

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

• 2002 йил 22 февраль, жума • №15 (11.403)

• Эркин нархда сотилади

Вилоят фаоллари йиғилиши

ЯКУН, ТАҲЛИЛ, РЕЖА

Тошкент вилояти фаоллари йиғилишида 2001 йил натижаларини сарҳисоб қилиш, йўл қўйилган камчилик ва муаммоларни таҳлил этиш, ечимини топиш, навбатдаги асосий вазифаларни белгилаб олиш устувор йўналиш касб этди

Шу йилнинг 21 февраль куни Тошкент вилояти фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокими ўринбосарлари, ҳокимлик гуруҳ ва котибиятлари, бўлим ва бошқармалари, молия, банк тизими раҳбарлари, шаҳар, туман ҳокимлари, уларнинг ўринбосарлари, деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмалари, корхона, хўжаликлар, тадбиркорлик субъектлари ҳамда ҳуқуқ-тартибот органлари бошлиқлари иштирок этдилар.

Йиғилишни Тошкент вилояти ҳокими Умнат Мирзакулов бошқарди.

Фаоллар йиғилишида 2001 йилда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва иқтисодий ислохотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2002 йилда ислохотлар-

ни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги масала муҳокама этилди.

Фаоллар шу куни халқ хўжалигидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш, вилоятда ер ресурслари ва суғориш сувларидан самарали фойдаланиш, фермер хўжаликларини ривожлантириш, табиий газ ва ичимлик сувидан тежамкорлик билан фойдаланиш ҳамда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида хусусий секторни ривожлантириш тўғрисидаги масалаларни, айниқса, чуқур ва атрофлича қўриб чиқдилар.

Йиғилишда қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Фаоллар йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Козим Тўлаганов сўзга чиқди.



Янгийўл шаҳридаги «Янги Вега» Ўзбекистон-Австрия қўшма корхонаси асосан болалар учун турли-туман оёқ кийимлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Корхона жамоаси қўлидан чиқётган пойабзаллар бичими яхшилиги, сифатли ва бежиримлиги билан ажралиб туради.

Қўшма корхонада дастлаб 6-7 турдаги маҳсулотлар истеъмол бозорига етказиб берилган бўлса, ҳозирга келиб уларнинг сони 14тага етди. Биргина ўтган йили 201 минг жуфт болалар пойабзали тайёрланди. Ишчи-хизматчилар сони ҳам кўпайиб бормоқда. Шу кунларда унинг цехларида 150 киши ишламоқда.

БОЗОРИ ЧАҚҚОН ПОЙАБЗАЛЛАР

ашёлардан фойдаланишни йўлга қўйиш учун тинмай изланмоқда. Шунинг учун ҳам, ўтган йилда бу кўрсаткич 40 фоизга етказилди. Буюртмалар ҳажми ҳам ортиб бормоқда. Уларни тўла бажариш учун жорий йилда 280 минг жуфт болалар



Корхона дастлабки вақтларда асосан Австриядан келтирилган хом ашёлар билан ишлар эди. Жамоа маҳаллий хом пойабзалини ишлаб чиқариш режалаштирилди. Бунинг учун етарли хом ашё заҳиралари барпо этилди.

СУРАТЛАРДА: илғор ишчи Умида Абдурасулова ва операторлик касбини пухта эгаллаган Фурқат Қозоқбоев (чапда) ҳамда Жума Абишевлар иш устида.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

БОСҚИЧ ГОЛИБЛАРИ

Юқоричирчиқ туманидаги Янги-Бозор кўрғонида жойлашган «Ёшлар» кафесига «Ташаббус-2002» кўрик-танлови бўлиб ўтди.

У туман товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, туман тадбиркорлар касаба уюшмаси қўмитаси, деҳқон фермерлар уюшмаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгашлари ташаббуси билан «Энг яхши хунарманд», «Энг яхши тадбиркор», «Энг яхши фермер» йўналишлари бўйича ўтказилди. Қизғин баҳслар остида ўтган беллашувда янгибозорлик хунарманд Рафаил Мамадалиев, «Нурмат ота» фермер хўжалиги раҳбари Зайлиддин Нурматов, «Салада» фирмаси раҳбари, тадбиркор Нафиса Аширматовалар танлов голиби бўлдилар. Иккинчи ўрин эса янгибозорлик хунарманд Зокиржон Абдураҳмонов, «Юксалиш» фермер хўжалиги раҳбари Яшин Аҳмедов, «Райҳон» ширкат хўжалиги раҳбари Жўра Ниёзовларга насиб этди. Танлов голибларига ташкилотчилар ва ҳомийлар томонидан эсдалик совғалари топширилди.

Ўз мухбиримиз.

ВОИЗЛАР ТАНЛОВИ

Мустақиллик бизга урф-одатларимизни, қадриятларимизни эъозлашни ўргатди. У янги-янги тадбирларни амалга оширишга кенг йўл очиб берди.

Жумладан, «Энг улуг, энг азиз», «Энг яхши маънавият ўқитувчиси», «Аждодлар ёди» сингари турли мавзуларда замонавий кўрик-танловлар, шу билан бирга бир неча йилдан бери «Воизлар» танлови ҳам ўтказиб келинмоқда.

Жорий йилда ҳам «Маънавият ва маърифат» маркази Тошкент вилояти бўлими томонидан тасдиқланган дастурга мувофиқ «Воизлар» танловининг икки босқичда ўтказилиши режалаштирилди.

Бу танловни ўтказишдан асосий мақсад миллий қадриятлар, тарих, тиббиёт, педагогика, санъат, одоб-ахлоқ тарғиботи бўйича шаҳар ва туманларда кучли воизларни тарбиялашдир.

Шу кунларда вилоятимизнинг бир қатор шаҳар ва туманларида бу танлов бошлаб юборилди. Унга шаҳар, туман, маданият ишлари бўлимлари, туман ва шаҳар газеталари таҳририятлари, ижодкорлар фаол ҳамкорлик қилмоқда. Бу танловнинг дастлабки босқичи шу йилнинг 10 мартигача ўтказилиши кўзда тутилган. Вилоятимизнинг энг кучли воизи эса, республика танловида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритади.

Холмурод РАББАНАЕВ,
«Маънавият ва маърифат» маркази Тошкент вилоят бўлими етакчи мутахассиси.

«ШУНҚОРЛАР»

БЕЛЛАШУВИ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Олмалик шаҳар бўлими мудофаа ишлари ҳамда халқ таълими бўлимлари билан ҳамкорликда ўқувчилар ўртасида «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақаларининг шаҳар босқичини ўтказди.

Ушбу мусобақалар ўсмирларнинг ҳарбий тайёргарлик борасидаги кўникмаларини ошириш, ҳарбий техникалар билан таништириш, шунингдек ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

Ўнта шарт асосида ўтган мусобақалар жараёнида ўқувчи ёшлар ўзларининг кўникмаларини ҳар тарафлама синаб, автомобилни бошқариш, граната улоқтириш, узоқ масофага югуриш ва бошқа ҳарбий-спорт турлари бўйича куч синашдилар.

Шаҳардаги 15-мактаб ўқувчилари биринчи ўринга чиқиб, вилоят босқичига йўлланма олдилар. Иккинчи ва учинчи ўринлар эса 16-ва 11-мактаб жамоаларига насиб этди.

Ўз мухбиримиз.

Бугунги сонда:

АЙЁМИНГИЗ МУБОРАК

Қурбон ҳайити кунларида барча мусулмонлар бир-бирларини муборакбод этадилар.

КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕС

Асп деҳқон сийлов ёки «оқ олтиндан тоғлар яратиш» учун эмас, ўз рўзгорини тебратишга, бола-чакаси тўқ, эгни бут бўлиши учун меҳнат қилади.

СОЛТ-ЛЕЙК- СИТИ

Солт-Лейк-Ситидаги қишки Олимпиада ўйинларининг ўн биринчи кунда бешта мусобақа ўтказилди.

ОЛАМ ҲАФТА ИЧИДА

Ўтган йили кирол саройида рўй берган хунрезликдан сўнг Непалда бундай мудҳиш воқеа содир бўлмаганди.

ФУТБОЛ ФИДОЙИСИ

Катта футболдан сўнг қаерда, қайси соҳада ишланган, энди бас, деб, бутсини қозикка илиш чин футболчиға хос эмас.

2-бет

3-бет

6-бет

7-бет

8-бет

كۈرْبون

تۈگۈن بۇرۇن!

Ўзбекистоннинг мустақилликка юз тутиши ва миллий тараққиёт йўлига шахдам қадамлар билан кириб бориши туфайли бой маънавий меросимиз, умумбашарий аҳамиятга эга бўлган маданий ютуқларимиздан халқимиз, айниқса, ўсиб келаётган навқирон авлодимиз баҳраманд бўла бошлади. Бинобарин, биз мусулмонларнинг байрамимиз бўлмиш Рамазон ва Қурбон ҳайитлари ана шу қадриятларнинг рўёбга чиқиши ижобатидир.

Албатта, ушбу байрам кунларида халқимиз ўзаро бир-бирларига меҳр-мухаббат кўрсатиб, қариндошлар бир-бирларини йўқлайдилар. Етим-есирлар, кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексаларнинг аҳволидан хабар олиниб, уларга хайр-эҳсон қилинади, кўнгиллари овланади. Шу боис ҳукуматимиз томонидан ҳар икки

ҳайитнинг биринчи кунини байрам қилиб белгилангани айни муддао бўлди.

Қурбон ҳайити ҳам халқимиз орасида ўзгача бир тарзда шоду хуррамлик билан нишонланади. Бу ҳайит кунининг тонгидан хушбўй нарсалар сепиб, гўзал, янги ёки тоза кийимларни кийиб, то ҳайит намози ўқилгунча ҳеч нарса истеъмом қилмай, на-

мозга бормоқлик суннат ҳисобланади.

Қурбон ҳайити ҳам худди Рамазон ҳайитидек Аллоҳнинг бандаларига фарз қилинган улуғ ибодатидир.

Ийд Қурбон кунларида қодир бўлганлар қурбонликлар сўяди ёки қассоб ёллаб сўйдирди. Қурбонлик бу Аллоҳ йўлида сўйиладиган жонлик бўлиб, бой кишилар учун вожиб, ўртаҳол кишилар учун суннат, камбағаллар учун вожиб ҳам, суннат ҳам эмасдир.

Қурбон ҳайити кунларида барча мусулмонлар бир-бирларини муборакбод этиб, табаррук отахон, онахонларга имон, ёшларга эса тавфику ҳидоят тилашлари лозим. Қариндош-уруғларни бориб кўриш, ёр-биродарларни зиёрат қилиш, бевабечоралар ҳолидан хабар олиш каби ишлар бундай кунда савоби улуғ амаллардан ҳисобланади. Бирор сабабга кўра аразлашган, гина-кудуратли таниш-билишлар ҳам худди шу муборак кунларда бир-бирларига кучоқ очсалар, ўзаро узр сўрашсалар, мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки, кечиримли ва меҳр-шафқатли бўлиш ҳар бир мусулмон учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Ҳаж сафарига кетган отахон ва онахонларимизни соғу саломат ибодатларини адо қилиб, Ватанларига, фарзандлари олдига гуноҳларидан фориғ бўлган ҳолатда қайтишларини сўраб қоламиз.

Ийд Қурбон муборак бўлсин, азиз ҳамюртлар!

Зулҳайдар СУЛТОНОВ,
республика Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги
дин ишлари бўйича
қўмита масъул ходими.




«Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар

«ҚИШДА ЭРИНГАН ЁЗДА СУВГА ЁЛЧИМАЙДИ»

Газетанинг 2001 йил 26 декабрь сонига юзоридаги сарлавҳа остида босилган мақолада вилоятда мавжуд сугориш шаҳобчаларини янги мавсумга тайёрлаш ишларининг аҳволи таҳлил этилиб, жумладан, Бўка туманидаги қатор хўжаликларда ички зовурлар кўп йиллардан бери тозаланмаётгани далиллар асосида танқид қилинган эди.

Таҳририят ушбу мақола юзасидан туман ҳокими Ж.Миролимов имзоси билан жавоб хати олди.

Жавобда маълум қилинишига кўра, мақолада келтирилган далиллар туман ҳокимлиги мутахассислари томонидан текшириб чиқилиб, барча хўжалик раҳбарлари иштирокида муҳокама қилинган. Йиғилишда туман кишлок ва сув хўжалиги бошқармаси томонидан 2001-2002 йил кузги-қишки даврда ички зовурларни механизмлар ёрдамида тозалаш тадбирлари белгиланиб, ҳар бир хўжаликка аниқ топ-



шириқлар берилганига қарамай, бу муҳим вазифа кўнгилдагидек бажарилмаётгани эътироф этилди.

Чунончи, танқидий мақолада тилга олинган «Дўстлик» ва «Паркент» хўжаликларида топшириқ 50-60 фоиз бажарилган бўлса, «Туркистон», Т.Ражабов номи, Улуғбек номи хўжаликларда бу иш яхши ташкил этилмаган. Шуни ҳисобга олиб, бу уч хўжаликка амалий ёрдам кўрсатишга қаратилган аниқ тадбирлар белгиланди.

Ҳозир «Паркент» хўжалигида иккита экскаватор ички зовурларни тозаламоқда. «Дўстлик» хўжалигида эса битта экскаватор юксак унум билан ишлатилмоқда.

Ижодий учрашув

Ўзбекистон Бадиий академиясининг Замонавий санъат марказида Ўзбек Миллий академик драма театри ижодкорлари – бош рассом, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Бахтиёр Тўраев ва иқтидорли актёр Равшан Жўраев мухлислар билан учрашди.

Спектаклнинг мазмун ва моҳиятини очиб беришда сахна декорациясининг аҳамияти катта. Истеъодли рассом Б.Тўраев ўн беш йиллик ижодий фаолияти мобайнида ўнлаб спектаклларда беаза ишларини амалга оширган. Рассом мамлакатимиздаги турли кўргазмаларда ҳам ўз асарлари билан фаол қатнашиб келмоқда. У, шунингдек, Мустақиллик, Наврўз байрамлари тантаналари, "Офарин", "Ниҳол", "Замин юлдузлари" каби кўшиқ фестиваллари декорацияларининг муаллифи ҳамдир.

Р.Жўраев ҳам санъатда ўз томошабинини топиб бораётган ижодкор. У "Чимилдиқ", "Кундузсиз кечалар", "Меҳробдан чаён", "Бир кошона сирлари", "Кўнгил кўчалари" каби спектакль ва фильмларда асосий ролларни ўйнаб, мухлислар эътиборига тушган. Учрашувда ижодкорлар мухлисларга ўзларининг келгуси ижодий режалари ҳақида сўзлаб бердилар.

Б. МАНСУРОВ,
ЎЗА мухбири.

Тақдимот

БМТ ҳақидаги нашр

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мамлакатимиздаги ваколатхонасида БМТ Ижтимоий ахборот департаменти томонидан тайёрланган "Бирлашган Миллатлар Ташкилоти. Асосий омиллар" китобининг тақдими бўлди.

Француз, инглиз, испан, ҳинд, рус, япон каби жаҳоннинг бир неча тилларида чоп этилган бу китоб илк бор ўзбек тилида босмадан чиқди.

Китоб маълумотнома тарзида тайёрланган бўлиб, кенг китобхонлар оммасини БМТнинг миссияси ва мақсадлари, унинг тузилмалари, ихтисослаштирилган муассасалари ва дастурлари, мазкур ташкилотнинг диққат марказида турган энг муҳим муаммолар кўлами билан таништиради. Ушбу халқаро ташкилот фаолиятининг кўп қиррали эканини ўқувчи БМТнинг халқаро тинчлик ва ҳавфсизлик, иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт, инсонпарварлик ёрдами, инсон ҳуқуқлари ва халқаро ҳуқуқ соҳаларига

бағишланган алоҳида боблар орқали билиб олади.

"Бирлашган Миллатлар Ташкилоти. Асосий омиллар" БМТ ваколатхонаси томонидан ўзбек тилига таржима қилинган тўртинчи китобдир. Айни пайтда БМТ ваколатхонаси ахборот маркази томонидан "БМТ юртида" ва "БМТни биласизми?" каби рисоалар ўзбек тилида Интернет тармоғига жойлаштирилган.

Маросимда БМТнинг мамлакатимиздаги доимий вакили Ричард Конрой, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Н.Жўраев сўзга чиқди.

Замон ЭШОНҚУЛОВ,
ЎЗА мухбири.

Йиғилиш

СУВНИ ТЕЖАНГ

«Экосан» халқаро жамғармасида «Табий ресурслардан рационал фойдаланишда жамоатчилик роли» мавзусида йиғилиш ўтказилди. Унда Республика Ер ресурслари давлат қўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Тошкент вилояти ҳокимлиги раҳбарлари ва бошқа мутасаддилар иштирок этишди.

— Давлатимиз раҳбари ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг сўнгги йиғилишида табиий ресурслардан фойдаланишда жамоатчиликнинг роли муҳим эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтган эди, — деди жамғарма раиси Юсуф Шодиметов «Туркистон-пресс» мухбирига. — Сўнгги вақтларда аҳоли ўртасида, корхоналар, қишлоқ хўжалигида табиий ресурслардан фойдаланишда камчиликларга йўл қўйилмоқда. Қишлоқ хўжалигида сувдан оқилона фойдаланмаслик оқибатида, охириги икки-уч йил ичида минтақада сувсизлик муаммоси кескин даражада ортди. Қишлоқ хўжалигига катта зиён етказилди. Бу муаммоларни бартараф этиш учун, сугориш иншоотларидан фойдаланишнинг рационал тизimini ишлаб чиқиш талаб қилинади.

Ю.Шодиметовнинг таъ-

кидлашича, Ўзбекистонда сув заҳиралари кам. Агар уни тежамасак, бунинг оқибатида турли муаммолар келиб чиқиши мумкин. Сув олинадиган жойдан то экинзорларга етгунча унинг қирқ фоизи исроф бўлади. Бундан ташқари мамлакатимизда ичимлик суви танқислиги ҳам вужудга келяпти. Ичимлик суви корхоналар ва турли хил шаҳобчаларда техник мақсадларда қўлланилмоқда, шунингдек, вилоят марказлари ҳамда бошқа ҳудудларда экинларни сугориш учун ҳам ишлатилмоқда.

Тадбир якунида табиий ресурслардан самарали фойдаланишда йўл қўйилаётган хато ва камчиликларни бартараф этишга йўналтирилган экология ва саломатлик кунларининг Наврўз байрамига бағишланган босқичи тадбирларининг асосий йўналишлари ҳам кўриб чиқилди.

Тадбир

ҚАРИЯЛАР ХУШНУД БЎЛИШДИ

Оҳангарон шаҳридаги Ойбек номи болалар кутубхонасида «Қарияларни қадрлаш йили» муносабати билан «Қариси бор уйнинг фариштаси бор» мавзусида байрам тадбири бўлиб ўтди.

Тадбирда шу ерда истиқомат қилувчи нуроний отахон ва онахонлар, маҳалла аҳли ҳамда мактаб ўқувчилари иштирок этдилар.

Шаҳар маданият уйи бади-

ий ҳаваскорлари ижро этган куй ва кўшиқлар, мактаб ўқувчилари тайёрлаган саҳна кўринишлари йиғилганларни мамнун этди.

Муқаддас АЛИЕВА.

Кичик ва ўрта бизнес – иқтисодиётимиз келажаги

ФЕРМЕР ШИРКАТЧИЛАРНИ ДОҒДА ҚОЛДИРДИ


Асл деҳқон сийлов ёки мактов учунгина ишламайди. Ёки айрим ҳамкасбларимиз ёзганидек «жонини жабборга бериш», «оқ олтиндан тоғлар яратиш» учун ҳам ишламайди. Унинг ҳақиқати оддий.

Рўзгорини эмин-эркин тебратса, бола-чақаси тўк, эгни бут бўлса. «Ташаббус-2002» кўрик-танловининг туман босқичида «Энг яхши фермер», деб эътироф этилган оққўргонлик фермер Малик Каримов ҳам ўша ҳақиқатни деб меҳнат қилаётган деҳқонлардан.

2000 йили Алишер Навоий номидаги ширкат хўжалигида ташкил этилган «Покиза-М» фермер хўжалиги қисқа вақт ичида тилга тушди. Хўжалик раҳбари Малик Каримов фермерликка қўл ураркан, олдинда ўзини қандай қийинчиликлар кутаётганини яхши биларди. Лекин чумчуқдан кўрққан тарик эмас, дейишади.

Деҳқон учун ором бегона. Ерга уруғ қадалдими бас, унинг ҳаловати йўқолди, деяверинг. Энди у туну кун меҳнат қилиши керак. Эҳтимол, кимларнингдир «кўзини бўяш», кимнингдир «оғзини мойлаш» мумкин-дир. Аммо ерни алдаб бўлмайди.

– Тўғри, одам фақат ишлаш учун яшамайди, яшаш учун ишлайди, – дейди Малик ака. – Ер ҳам буни ту-



шунади. Ишлаган одамни куруқ қўймайди. Мана, ўзимдан киёс. Утган йили 56 гектар ерга бугдой билан пахта эқдим. 16 миллион сўм даромад қилдим. Шундан 6-7 миллиони соф фойдага қолди.

Шуни тушундимки, техникасиз фермернинг бири икки бўлмас экан. Кўраётган фойда ҳисобидан биринчи галда техника сотиб олдик. Ҳозир 3 та ҳайдов ва битта ер текисловчи тракторларим бор.

Деҳқоннинг даромади меҳнатига яраша бўлади. Малик ака ҳам «уч-тўрт сўмлик фойда»сини «кўнглига тугиб юрган» орзуларини амалга ошириш учун сарфламоқда.

– Илгаридан чорвачилик билан шуғулланишни орзу қиламан, – дейди у. – «Тадбиркорбанк»-нинг туман бўлимидан 10 миллион сўм кредит олдим. Мақсадимни энди амалга ошираман.

Биласизми, яқинда туманимиз раҳбарлари ишларимни кўриб, ердан унумли фойдалана олмаган 3 ширкатчининг 50 гектарга яқин ерини менга олиб берди. Бу – менга билдирилган катта ишонч. Бир томони бир оз кўнгилхиллик жойи ҳам йўқ эмас... Ҳозир хўжалигимда 20 киши меҳнат қилади. Энди яна ўн чоғли кишини ишга оламан.

Малик Каримов фермерлик-

нинг имкониятлари кўп эканлигини яхши билади. Унинг хўжалигида ун тортиш, шоли оқлаш, омухта ем тайёрлаш цехлари ишлаб турибди. Яқин атрофдаги қишлоқларда яшовчи аҳоли бундан мамнун. Чунки кўпчиликнинг узоғи яқин, мушқули осон бўлмоқда.

Л. СУВОНОВ,
ЎЗА мухбири.

СУРАТЛАРДА: тегирмончи У. Каримов иш устида; фермер Малик Каримов гаъла майсалари ривожини кўздан кечирмоқда.

Е. БОТИРОВ олган суратлар.

«ТАШАББУС» – АВАЗХОНДА КЕТДИ

«Азим ота» Оҳангарон туманидаги чекка қишлоқлардан бири бўлса-да, йилдан-йилга ободлашиб, кўркамлашиб бормоқда. Бу ерда истиқомат қилаётган аҳоли фермер Авазхон Азимов кўмагида табиий газ ва ичимлик сувидан фойдаланаётганига анча бўлди.

Маҳалла болалари учун 150 ўринли мактаб қуриб берган ҳам, нонвойхона очиш таралдуида елиб-югуриб юрган ҳам уша – Авазхон фермер.

Бир юз элик гектар майдонда деҳқончилик қилаётган фермер утган йили давлатга 170 тонна дон етказиб берди. Йиғирма беш киши меҳнат қилаётган хўжаликда утган йилга нисбатан чорва озуқаси, сабзавот ва мева мўл бўлди. Ишлаб топилган маблағ хўжаликни кенгайтириш билан бирга, аҳоли турмуш шароитини яхшилашга ҳам сарфланмоқда.

Яқинда эса туман тадбиркорларининг анъанавий «Ташаббус-2001» кўрик-танловида «Авазхон» фермер жўжалиги раҳбари Авазхон Азимов «Йилнинг энг яхши фермери» деб топилди.

Н. ДУШАЕВ,
ЎЗА мухбири.

ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРАТИЛМОҚДА

Чиноз туманида 2001 йилда кичик ва ўрта бизнес субъектлари ҳисобига 1857та янги иш ўринлари ташкил этилди. Бу ерда 312та якка тартибда, 120та кичик ва ўрта бизнес фаолияти билан шуғулланувчи 111та микрофирмалар, 1та ўрта корхона ҳамда 8та кичик корхоналар фаолият кўрсатмоқда.

Туман ҳокимлиги, тижорат банклари ва бошқа мутасадди ташкилотлар кичик ва ўрта бизнес ҳамда якка тартибда фаолият юритаётган тадбиркорларга яқиндан ёрдам беришмоқда. Бундан ташқари тижорат банкларидан олинаётган кредитлар миқдори кун сайин ошиб бормоқда. Бу хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши ва янги иш ўринларини яратишда қўл келаяпти.

Акбар АЛЛАМУРОДОВ.

«МЕРСЕДЕС», «БМВ» ВА БОШҚАЛАР УЧУН

«Латофат» хусусий фирмаси Чирчиқдаги кўзга кўринган кичик ва ўрта бизнес тузилмаларидан ҳисобланади.

Унинг жамоаси чет элдан келтирилган маҳсулотлар ўрнини боса олувчи эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирган. Бунга асосан мавжуд маҳаллий имкониятлар ва омиллардан оқилона фойдаланиш туфайли эришилди.

Бу ерда тайёрланган, техник ва иқтисодий кўрсаткичлари бўйича хорижикидан қолишмайдиган, енгил автомашиналар олд ойналарининг бозори чаққон. Улар «Мерседес», «ДЭУ», «БМВ» каби қатор енгил автомашиналарга мўлжалланган.

Утган йили сал кам қирқ миллион сўмлик эҳтиёт қисмларни буюртмачиларга етказиб берган жамоа бу йил янада яхшироқ натижаларни кўзлаб меҳнат қилмоқда.

Ўз мухбиримиз.

Ишбилармонлар сафига тижорат билан шуғулланишни истаган янги-янги фуқаролар қўшилишмоқда. Шу туфайли ҳам ўтган йили уларнинг сони сезиларли даражада ортди. Йил охирига келиб, 1500 нафарга яқин тадбиркорлар маҳсулот ишлаб чиқариш ва турли хизматлар кўрсатиш билан шуғулланишмоқда эдилар.

Ўтган йили товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси аъзолари сафига 125та юридик ва 1168та жисмоний шахслар аъзо бўлиб кирдилар.

Туманда уларнинг фаолиятини яхшилаш, турли-туман асосиз текширишлардан ҳоли қилиш билан боғлиқ бўлган қатор ташкилий тадбирларнинг амалга оширилиши ҳам шунга олиб келди. Кичик ва ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида палата қошида ишбилармонларни ахборот билан таъминлаш, уларга зарур маслаҳатларни бериш билан шуғулланувчи консалтинг маркази ташкил қилинди. Бу марказ қисқа муддатда анчагина ишларни амалга оширди. 50 нафар тадбиркорларга фаолиятнинг

ТАДБИРКОР – МАРКАЗ – КРЕДИТ

Бу занжирнинг ҳамкорлиги туфайли Юқоричирчиқ туманида хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар кенг қулоч ёзмоқда

турли муаммолари юзасидан маслаҳатлар берди. Бундан ташқари 20та фермер хўжалиги ҳамда 23та юридик мақомига эга бўлган фермер ва деҳқон хўжаликларига таъсис ҳужжатларини тайёрлашда яқиндан кўмаклашди. 30 нафар тадбиркорга эса микрокредит олиш учун бизнес режа лойиҳалари ишлаб чиқилди. Шу туфайли, бундай тадбиркорлар Халқ банкидан 31 миллион сўм, «Пахтабанк»нинг туман бўлимидан 40 миллион сўм кредит олишга муваффақ

бўлишди.

Тадбиркорлар ишлаб чиқаришни ва хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш учун зарур хом ашёларни қидириб топиш ва харид қилиш билан кўп вақт

шуғулланишга мажбур бўлишар эди. Туманда бундай юмушни ҳам енгиллаштиришга, улар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар савдосини йўлга қўйишга ҳам эътибор берилмоқда. Шу мақсадда тумандаги «Янгибозортадбиркортаъминот» улгуржи-

чакана базиси ва бир қатор хусусий улгуржи-чакана савдо билан шуғулланувчи фирмалар ташкил этилди. Туманда кичик ва ўрта тадбиркорлик тузилмалари фаолияти ҳар томонлама ўрганилиб, уларнинг бир маромда ишлаши учун тўсқинлик қилаётган камчилик ва нуқсонлар аниқланмоқда ва уларни бартараф этиш учун барча имкониятлардан фойдаланилапти.

Саъиддин САИДИСЛОМОВ.

Dushanba

25

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»

8.00-8.45 «Тахлилнома».

8.45 «Камалак». Болалар учун кинодастур.

9.15, 11.30 ТВ метео.

9.20 «Туртинчи ҳокимият».

9.40 «Ўзбектелефильм» намоиши: «Мангуликка дахлдор».

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилар

10.05 «Шавкатли рицарь Айвенго ҳақида қисса». Бадий фильм.

11.35 Ўзбекистон телерадиокомпанияси дуторчилар ансамблининг концерти.

12.05 «Сабр». Телено-

велла.

12.30 «Куш ҳам эмас, хайвон ҳам». Мультфильм.

12.40, 13.55 ТВ анонс.

12.45 «Рангин дунё».

13.05 «Алпомиш авлодлари». Спорт дастури.

13.25 «Ошин». Телесериал.

14.10 «Олтин тож». Телевизион ўйин.

14.40 Кундузги сеанс: «Вена почта маркаси». Бадий фильм.

16.20 ТВ клип.

16.30 «Қалб гавҳари».

16.50 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.

17.10 «Кино оламида».

17.40 Эстрада тароналари.

18.10 «Мушукча ва йўл ҳаракати қондаси». Мультфильм.

18.25 «Мулк».

18.45 «Бахтли воқеа». Телелотерея.

19.25, 19.55, 20.25,

21.00, 22.35 Эълонлар

19.30 «Ахборот» (рус тилида)

20.00 Оқшом эртақлари.

20.15 Биржа ва банк хабарлари.

20.30 «Ахборот».

21.05 Ўзбекистон халқ артистлари.

21.30 2002 йил - Қарияларни кадрлаш йили. «Париси бор уй».

Спорт дастури:

22.00 «Спорт, спорт, спорт».

22.15 «Олам футбол».

22.40 «23.5 даражали бурчак остида». Телесериал премьераси. 70-қисм.

23.05 «Ахборот - дайжест».

23.25 «Кўринмас одам». Бадий фильм.

00.50 - 00.55 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

10.55 Кўрсатувлар дастури.

11.00 «Давр» ҳафта ичида.

11.30 Жаҳон жуғрофияси.

12.20 Давр-news.

12.40 Фарҳод Мусажонов. «Нажот истаб». Ўзбек миллий театрининг спектакли.

14.25 Автосалтанат.

14.40 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.

15.25 Спорт ҳафтано-маси.

15.40 «Буни биз ўтмаганмиз». Бадий фильм.

17.10 Қўёшли юрт кишилари.

17.25 Кўрсатувлар дастури.

17.30 «Янги авлод» почтаси, «Билагон маслаҳати».

18.00 «Ака-ука Гримм эртақлари». Мультсериал. 28-қисм.

18.25 «Хунардан унар».

18.45 Оқшом наволари.

18.55, 21.55 Иқлим.

19.00 «Давр». Ахборот дастури.

19.30 Иқтисод-news.

19.35 Тв-анонс.

19.40 Муқаддас бурч.

20.00 Ёшлик наволари.

20.10 Ёшлар овози.

20.30 Ҳандалак.

20.55, 21.25, 22.30 Эълонлар.

21.00 «Эсмералда». Телесериал.

21.30 Кишлоқдаги тенгдошим.

21.50 Олтин мерос.

22.00 «Давр». Ахборот дастури.

22.35 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.

23.00 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида.

23.50 «Давр». Ахборот дастури.

00.50-00.55 Хайрли тун!

Тошкент телеканал

17.15 Кўрсатувлар тартиби.

17.20 Болажонлар экрани. «Учинчи сайёра сири».

18.30, 20.00, 21.20, 22.15 «Пойтахт». Ахборот дастури.

18.45 ТТВда сериал: «Селеста, ҳамиша Селеста».

19.10 «Тап-тортмаслар». Хужжатли

фильм. 21-қисм.

19.35, 21.05, 22.00 «Экспресс» телегазетаси.

19.50 «Авто-news».

20.20 ТТВда сериал: «Бебилиска пул».

21.35 «Мусликий мекмонхона».

22.35 «Ер курраси».

23.00 Кинонигоҳ.

«Диканка қишлоғи яқинидаги оқшомлар».

00.30-00.35 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканал

17.00 Кўрсатувлар тартиби.

17.05 «Вести».

17.20 «Икки рояль».

18.05 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.

18.15 «КиВиН-2002 йил». КВН командаларининг XIII фестивали.

20.40 «Контакт».

21.05 «Қалб қанотлари». Сериал.

21.50 «ТВ-4да Немис тўлкини».

22.10 Кинематограф. Ричард Чемберлен

«Тўрт мушкетер» фильмида.

23.40 «Ахборот» (рус тилида)

00.10 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-КАНАЛ

16.55 га қадар профлактика.

17.00 Дастурнинг очилиши.

17.05 «30-канал» да хужжатли кино.

«Одам ва денгиз».

17.45, 20.35 - «Телехамкор».

18.05 «Петербург сирлари». Телесериал.

19.00 «30-канал» кинооқшом: «Сўнгги чегара». Фантастика.

21.00 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».

21.20 «Ошиқона». Мусликий дастур.

21.30 «30-канал» кинооқшом: «Голд-фингер».

23.15 «Тез ёрдам». Телесериал.

24.00 Ярим тунда спорт.

Seshanba

26

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»

8.00 - 8.35 «Ахборот».

8.35 Газеталар шарҳи.

8.50 «Ўзбектелефильм» намоиши: «Санъат ошиёни».

9.15, 11.45 ТВ - метео.

9.20 «Соғлом она - соғлом бола».

9.40 «Олам футбол».

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилар

10.05 «Мулк».

10.25 «Замонавий аёл». Бадий фильм.

11.50 Биржа ва банк хабарлари.

12.05 «Спорт, спорт, спорт».

12.20 «Париси бор уй».

12.50 «Муслика: кеча ва бугун».

13.15 «23.5 даражали бурчак остида». Телесериал. 70-қисм.

13.40 «Кишлоқ ҳаёти».

14.10 Кундузги сеанс:

«Зирапча». Бадий фильм.

15.40 Ўзбекистон халқ артистлари.

16.05 «Эртақлар - яхшиликка етаклар».

17.00 «Ватанимга хизмат қиламан».

18.10 Болалар учун. «Жаҳжи гўзал».

18.25 «Баркамол авлод орзуси».

18.45 «Инсон ва қонун».

19.05 «Тафсилот».

19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар

19.30 «Ахборот» (рус тилида)

20.00 Оқшом эртақлари.

20.15 FCN «Ўзбекистон янгиларлари» (инглиз тилида)

20.30 «Ахборот».

21.05 «Аср муаммоси». 1-қисм.

21.25 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар.

21.45 «Сарҳад билмас дўстлик».

22.05 «Ўзбекистон» каналда илк марота-

ба: «Ошин». Телесериал премьераси.

22.35 «Келин-куёв». Телешоу.

23.45 «Ахборот - дайжест».

00.05 «Дон - Кихот болалари». Бадий фильм.

1.20-1.25 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури.

9.00 «Давр». Ахборот дастури.

9.15 «Янги авлод» почтаси: Билагон маслаҳати.

9.45 «Ака-ука Гримм эртақлари». Мультсериал. 28-қисм.

10.10 Бизнес-академия.

10.25 «Эсмералда». Телесериал.

10.50 Мусликий лаҳзалар.

11.00 Саломатлик сирлари.

11.20 «Экспедиция». Хужжатли сериал.

12.10 Ёшлар овози.

12.30 Интерфутбол.

14.10 Кинотақдим.

14.30 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.

15.15 «Сени севдим». Бадий фильм 1-қисм.

16.40 «Янги авлод» студияси: Дунё ва болалар.

17.00 «Ака-ука Гримм эртақлари». Мультсериал. 29-қисм.

17.25 Солиқ ҳақида сабоқлар.

17.40 Ватан манзаралари.

18.00 Минг бир маслаҳат.

18.20 Автопатрул.

18.40 Сифат белгиси.

18.45 Олтин мерос.

18.55, 21.55 Иқлим.

19.00 «Давр». Ахборот дастури.

19.30 Иқтисод-news.

19.35 «Давр»-интервью.

19.50 «Азиз она юртим наволари». Миллий эстрада қўшиқлари I-республика танлови қатнашчилари ва фолиблар концерти.

20.55, 21.25, 22.30 Эълонлар.

21.00 «Эсмералда». Телесериал.

21.30 Ёшлар овози.

21.50 Олтин мерос.

22.00 «Давр». Ахборот дастури.

22.35 «Муҳаббат

қаҳваси». Телесериал.

23.00 Ёшлар телеканалда спорт дастури.

23.35 «Давр». Ахборот дастури.

23.50-23.55 Хайрли тун!

Тошкент телеканал

17.15 Кўрсатувлар тартиби.

17.20 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».

18.00 Болажонлар экрани. «Жуманжи». Мультфильм. 4-қисм.

18.30, 20.00, 21.20, 22.05 «Пойтахт». Ахборот дастури.

18.45 ТТВда сериал: «Селеста, ҳамиша Селеста».

19.10 «Тап-тортмаслар». Хужжатли фильм. 22-қисм.

19.35, 21.05, 21.50 «Экспресс» телегазетаси.

19.50 «Интерспорт».

20.20 ТТВда сериал: «Бебилиска пул».

21.35 «Аёл - она, мураббий, раҳбар» телеклуби.

22.25 Кинонигоҳ.

«Йуқолган ёрлик».

23.55-24.00 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканал

17.00 Кўрсатувлар тартиби.

17.05 «Вести».

17.30 «Икки рояль».

18.15 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.

18.25 Е. Петросянинннг Кулгу панорамаси.

18.55 «Муҳаббат замини». Сериал.

20.00 «Йил қўшиқлари». 1-қисм.

21.00 «Время».

21.35 «Қалб қанотлари». Сериал.

22.20 XIX қишки Олимпиада ўйинларининг тантанали ёпилиши.

23.25 Кинематограф. Пьер Ришар «Билмасам ҳам айтаман» фильмида.

00.40 «Ахборот» (рус тилида)

1.10 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-КАНАЛ

9.00 Дастурнинг очилиши.

9.05, 17.45, 20.35 - «Телехамкор».

9.30, 14.15 - Болалар соати.

10.25 «Жунжикиш». Сериал.

10.50 «Шоҳид». Хужжатли фильм.

11.20 «Иблис боласи». Телесериал.

12.00 «Қиролича Марго». 1-серия.

13.30 «Майами Сэндс». Телесериал.

15.10 Кундузги кинозал. «Виллини озод этинг — 3».

16.50 «Футурама». Мультсериал.

17.15 «30-канал» да хужжатли кино. «Таймслот». Хужжатли сериал.

18.05 «Петербург сирлари». Телесериал.

19.00 «30-канал» кинооқшом: «Узоқ давом этган сакраш». Жангари фильм.

21.00 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».

21.20 «Ошиқона». Мусликий дастур

21.30 «30-канал» кинооқшом: «Мен сени севшимни ҳамма айтпти». Комедия.

23.15 «Тез ёрдам». Телесериал.

24.00 Ярим тунда спорт.

Chorshanba

27

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»

8.00 - 8.35 «Ахборот».

8.35 Газеталар шарҳи.

8.55 «Ўзбектелефильм» намоиши: «Мафтунок кабутарлар».

9.10, 10.25 ТВ - метео.

9.15 «Санъатга бахшида умр».

9.40 «Аср муаммоси». 1-қисм.

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилар

10.05 Алифбо сабоқлари.

10.30 «Шайтонвачча». Бадий фильм.

11.40 «Кишлоқ ҳақида ўйлар».

12.05 Волейбол буйича Ўзбекистон чемпионати.

12.35 «Тафсилот».

12.55 «Уйла, Изла, Топ!».

13.30 «Ошин». Телесериал.

14.10 «Остонаси тиллодан».

14.30 Кундузги сеанс:

«Урдақўл воқеаси». Бадий фильм.

15.35 «Баркамол авлод орзуси».

15.55 «Инсон ва қонун».

16.15 «Ягона оилада».

16.45 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар.

17.05 Кураш буйича Ўзбекистон биринчилиги.

17.35 Болалар учун. «Қўшигим, жон қўшигим».

18.10 «Аёл дунёни тебратар».

18.25 «Ютуқли омонат». Телеўйин.

18.55 «Бир жуфт қўшиқ».

19.05 «Мулк».

19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.25 Эълонлар

19.30 «Ахборот» (рус тилида)

20.00 Оқшом эртақлари.

20.15 Тиббиёт одимлари.

20.30 «Ахборот».

21.05 «Аср муаммоси». 2-қисм.

21.30 «Спорт, спорт,

спорт».

21.45 «Қўшигимиз Сизга армуғон».

22.05 «Ўзбекистон» каналда илк маротаба: «Ошин». Телесериал премьераси.

22.35 «ТВ - клуб».

23.00 «Оталар сўзи - ақлингиз кузи».

24.00 «Ахборот - дайжест».

00.20 - 00.25 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури.

9.00 «Давр». Ахборот дастури.

9.15 «Янги авлод» студияси: Дунё ва болалар.

9.35 «Ака-ука Гримм эртақлари». Мультсериал. 29-қисм.

10.00 Давр-интервью.

10.15 «Эсмералда». Телесериал.

10.40 Солиқ ҳақида сабоқлар.

10.55 «Экспедиция». Хужжатли сериал.

11.45 Ёшлар овози.

12.05 Болалар экрани. «Қойилмақом иш».

13.10 «Ёшлар» телеканалда спорт: Теннис.

13.50 Ватан манзаралари.

14.10 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.

14.55 Автопатрул.

15.15 «Сени севдим». Бадий фильм. 2-қисм.

16.45 Кўрсатувлар дастури.

16.50 Янги авлод студияси: Оқ кабутар, Шум болалар.

17.15 Ака-ука Гримм эртақлари. Мультсериал 30-қисм.

17.40 Одил сўз.

17.55 Мени тушун». Телеўйин.

18.20 «Далил ва шарҳ».

18.35 Каталог.

18.45 Оқшом наволари.

18.55, 21.55 Иқлим.

19.00 «Давр». Ахборот дастури.

19.30 Иқтисод-news.

19.35 Тв-анонс.

19.40 Ракурс.

20.00 Спорт-лотто.

20.10 Қарияларни кадрлаш йили. «Қадрият».

20.25 Очил дастурхон.

20.40 Муҳаббат қўшиқлари.

20.55, 21.25 22.30

Эълонлар.

21.00 «Эсмералда». Телесериал.

21.30 Олтин мерос.

21.40 Чемпион сирлари.

22.00 «Давр». Ахборот дастури.

22.35 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.

23.00 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида -

23.50 «Давр». Ахборот дастури.

00.50-00.55 Хайрли тун!

Тошкент телеканал

17.15 Кўрсатувлар тартиби.

17.20 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».

18.00 Болажонлар экрани. «Жуманжи». Мультфильм. 5-қисм.

18.30, 20.00, 21.20, 22.55 «Пойтахт». Ахборот дастури.

18.45 ТТВда сериал: «Селеста, ҳамиша Селеста».

19.10 «Тап-тортмаслар». Хужжатли фильм. 23-қисм.

19.35, 21.05, 22.15 «Экспресс» телегазетаси.

19.50 «Дурдона».

20.20 ТТВда сериал: «Бебилиска пул».

21.35 «Дорихона эшитди». Бевоисита мулоқот.

22.30 «Қамолот фасли».

23.15 Кинонигоҳ. «Иван Купала байрами арафасида».

00.45-00.50 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканал

РЖТ 7.30-9.00

17.00 Кўрсатувлар тартиби.

17.05 «Вести».

17.25 «Аншлаг».

18.15 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.

18.25 «Рус экстрими».

18.55 «Муҳаббат замини». Сериал.

20.00 «Йил қўшиқлари». 2-қисм.

21.00 «Время».

21.35 «Қалб қанотлари». Сериал.

22.20 «CNN шоу».

22.35 Кинематограф. «Оноре де Балъзак». Бадий фильм. 1-серия.

00.05 «Ахборот» (рус тилида)

00.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-КАНАЛ

9.00 Дастурнинг очилиши.

9.05, 17.45, 20.35 - «Телехамкор».

9.30, 14.15 - Болалар соати.

10.25 «Жунжикиш». Сериал.

10.50 «Яхши кайфият». Мусликий-дам олиш дастури.

11.20 «Иблис боласи». Телесериал.

12.00 «Қиролича Марго». 2,3-сериялар.

13.30 «Майами Сэндс». Телесериал.

15.10 Кундузги кинозал. «Афина оқшомлари». Мелодрама.

16.50 «Футурама». Мультсериал.

17.15 «Ноу-хау-шоу». Мэрифи дастур.

18.05 «Петербург сирлари». Телесериал.

19.00 «30-канал» кинооқшом: «Фаришта рақоси». Комик-жангари фильм.

21.00 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».

21.20 «Ошиқона». Мусликий дастур.

21.30 Хинд киноси. «Муҳаббат кучи». Мелодрама.

Pavshanba

28

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»

8.00 - 8.35 «Ахборот».

8.35 Газеталар шарҳи.

8.55 «Ўзбектелефильм» намоиши: «Миздақон».

9.05, 11.35 ТВ метео.

9.10 «ТВ - клуб».

9.35 «Аёл дунёни тебратар».

9.50 «Тиббиёт одимлари».

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилар

10.05 «Ямбуй ажинаси». Бадий фильм.

11.40 «Мулк».

12.05 «Қўшигимиз Сизга армуғон».

12.25 «Аср муаммоси». 2-қисм.

Спорт дастури:

12.45 Волейбол буйича Ўзбекистон чемпионати.

13.15 «Спорт, спорт,

спорт».

13.30 «Ошин». Телесериал.

14.10 «Сарҳад билмас дўстлик».

14.30, 16.10 ТВ анонс.

14.35 Кундузги сеанс: «Оилавий ҳаётдан лавҳалар». Бадий фильм.

15.50 «Оламини асранг».

16.15 М. Исмоил. «Ой қиқмаган оқшом». Видеофильм. 1-қисм.

17.00 Кураш буйича Ўзбекистон биринчилиги.

17.30 ТВ клип.

17.40 «Харита». Халқаро шарҳ.

18.10 Болалар учун.

«Кўзмунчок».

18.30 «Яхши ният». Телелотерея.

19.05 «Инсон ва қонун».

19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.55 Эълонлар

19.30 «Ахборот» (рус тилида)

20.00 Оқшом эртақлари.

20.15 FCN «Ўзбекистон янгиларлари» (инглиз тилида)

20.30 «Ахборот».

21.05 «Изтироб». Хужжатли фильм. 1-қисм.

21.25 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги.

«Турон юлдузлари» ансамблининг концерти.

22.00 «Бугуннинг гапи».

22.20 «23.5 даражали бурчак остида». Телесериал премьераси. 71-қисм.

22.45 «Рухият манзаралари».

23.25 «Ахборот-дайжест».

23.45 «Олтин маъбуда». Бадий фильм.

1.05-1.10 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури.

9.00 «Давр». Ахборот

дастури.

9.15 «Янги авлод» студияси: Оқ кабутар, Шум болалар.

9.40 «Ака-ука Гримм эртақлари». Мультсериал. 30-қисм.

10.05 Тафаккур ёлқинлари.

10.20 «Эсмералда». Телесериал.

10.45 Спорт китъаси.

11.15 Сенинг вақтинг.

11.35 «Экспедиция». Хужжатли сериал.

12.25 Ракурс.

12.45 «Умид юлдузлари фестивали». Мусликий дастур.

13.50 Интерфутбол.

15.30 Сифат белгиси.

15.35 «Мени тушун». Телеўйин.

16.00 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.

16.45 Муқаддас бурч.

17.05 Кўрсатувлар дастури.

17.10 «Янги авлод» студияси: Катта танаффус.

17.35 «Ака-ука Гримм эртақлари». Мультсериал. 31-қисм.

18.00 «Оби ҳаёт». Экологик тележурнал.

18.20 Оқшом наволари.

18.30 Табобат

оламида. 18.50 Олтин мерос. 18.55, 21.55 Иқлим. 19.00 «Давр». Ахборот дастури. 19.30 Иқтисод-news. 19.35 Тв-анонс. 19.40 «Давр»-интервью. 19.55 Мезон. 20.15 «Ёр ишқи». Мусикий дастур. 20.25 Бегойим. 20.55, 21.25, 22.30 Эълонлар. 21.00 «Эсмералда». Телесериал. 21.30 Ёшлар овози. 21.50 Олтин мерос.

22.00 «Давр». Ахборот дастури. 22.35 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал. 23.00 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида. 23.50 «Давр». Ахборот дастури. 00.50-00.55 Хайрли тун! **Тошкент телеканал** 17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТВда сериал: «Санта-Барбара». 18.00 Болажонлар экрани. «Жуманжи». Мультфильм. 6-қисм.

18.30, 20.00, 21.20, 22.25 «Пойтахт». Ахборот дастури. 18.45 ТТВда сериал: «Селеста, ҳамша Селеста». 19.10 «Тап-тортмаслар». Хужжатли фильм. 24-қисм. 19.35, 21.05, 21.50 «Экспресс» телегазетаси. 19.50 «Авто-news». 20.20 ТТВда сериал: «Бибилиска пул». 21.35 «Этикод». 22.05 «Халқ саломатлиги йўлида». 22.45 Кинонигоҳ. «Нозик ниҳол мали-

кам». 1, 2-сериялар. 1.30-1.35 «Хайрли тун, шахрим!». **«Халқаро» телеканал** РЖТ 7.30-9.00 17.00 Кўрсатувлар тартиби. 17.05 «Вести». 17.30 СФИ тақдим этади: «Халқаро цирк фестивали». 18.15 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви. 18.25 «Биз анойи эмасмиз». Ҳажвий журнал. 18.55 «Муҳаббат замини». Сериал.

20.00 «Йил кўшиқлари». 3-қисм. 21.00 «Время». 21.35 «Қалб қанотлари». Сериал. 22.20 «Соккер клуб». 22.40 Кинематограф. «Оноре де Бальзак». Бадий фильм. 2-серия. 00.15 «Ахборот» (рус тилида) 00.45 «Тунингиз осуда бўлсин!» **30-КАНАЛ** 9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.40, 20.35 -

«Телехамкор». 9.30, 14.15 - Болалар соати. 10.25 «Жунжикиш». Сериал. 10.50 «Яхши кайфият». Мусикий-дам олиш дастури. 11.20 «Иблис боласи». Телесериал. 12.00 «Киролина Марго». 4,5-сериялар. 13.30 «Майами Сэндс». Телесериал. 15.10 Кундузги киносеанс. «Ут ўрувчи». 16.50 «Симпсонлар». Мультсериал. 17.15 Кино, кино, кино.

18.05 «Петербург сирлари». Телесериал. 19.00 «30-канал» кинооқшоми: «Турт оёқли элита». Комедия. 21.00 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.20 «Ошиқона». Мусикий дастур. 21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Бажариб бўлмайдиган вазифа». Комедия. 23.15 «Тез ёрдам». Телесериал. 24.00 Ярим тунда спорт.

JUMA **1** **«Ўзбекистон» телеканал** 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». 8.00 - 8.35 «Ахборот». 8.35 Газеталар шарҳи. 8.55 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Дўппи», «Пирим ороли». 9.15, 10.25 ТВ метео. 9.20 «Олтин мерос». 9.40 «Бугуннинг гапи». 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар. 10.05 «Дунё кўриб, дунёлар ярат». 10.30 «Бировнинг хати». Бадий фильм. 11.55, 12.25, 13.55 ТВ анонс. 12.05 «Ўзгилгинг намойиш қил». Экранда - Қашқадарё вилоти. 12.30 Болалар учун. «Кўзунчоқ». 12.50 «Озод юрт одамлари». 13.10 «23, 5 даражали бурчак остида». Телесериал. 71-қисм. 13.35 «Ешлик шидда-

ти». Спорт дастури. 14.10 Кундузги сеанс: «Малласоч хоним». Бадий фильм. 15.25 «Китоб жавонингизга». 15.45 «Нафосат гулшани». 16.05 «Инсон ва қонун». 16.25 М. Исмоил. «Ой чиқмаган оқшом». Видеофильм. 2-қисм. 17.10 ТВ клип. 17.20 Болалар учун. «Кичкинтоймиз-гичкинтоймиз». 17.40 «Ўзбекистон: XXI аср ёшлари». 18.10 «Тафсилот». 18.25 «Омад қувончи». Телелотерея. 19.05 «Зиё» студияси намойиш этади: «Этикод мустақамлиги йўлида». 19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.25 Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида) 20.00 Оқшом эртақлари. 20.15 Бир жуфт кўшиқ. 20.30 «Ахборот». 21.05 «Изтироб».

Хужжатли фильм. 2-қисм. 21.30 «Спорт, спорт, спорт». 21.45 «Ўзбекистон - Ватаним маним». 22.10 Ўзбекистон каналда илк маротаба. «Ошин». Телесериал премьераси. 22.40 «Олтин бешик». 23.10 «Олам». Телеальманах. 23.40 «Ахборот - дайжест». 24.00-00.05 Ватан тўмсоллари. **«Ёшлар» телеканал** 8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр». Ахборот дастури. 9.15 «Янги авлод» студияси: Катта танаффус. 9.40 «Ака-ука Гримм эртақлари». Мультсериал. 31-қисм. 10.05 «Давр»-интервью. 10.20 «Эсмералда». Телесериал. 10.45 Бегойим. 11.15 «Экспедиция». Хужжатли сериал. 12.05 Мусикий лаҳзалар. 12.15 Ёшлар овози. 12.35 Интерфутбол. 14.15 Минг бир маслаҳат.

14.35 «Бувам, Килиан ва мен». Бадий фильм. 15.55 «Учинчи сайёра» маърифий дастури. 16.25 «Ватан равнақи йўлида». Видеофильм. 16.45 Кўрсатувлар дастури. 16.50 «Янги авлод» студияси: «Олтин қалит», «Ҳамма нарсани билишни истаيمان». 17.15 «Ака-ука Гримм эртақлари». Мультсериал. 32 қисм. 17.40 Ёшлар ва маънавият. 17.55 Автосалтанат. 18.10 Оқшом наволари. 18.20 Ёшлар овози. 18.40 Ассалом, баҳор. 18.55, 21.55 Иқлим. 19.00 «Давр». Ахборот дастури. 19.30 Иқтисод-news. 19.35 Тв-анонс. 19.40 Хуқуқ ва бурч. 20.00 Хозирги замон ўзбек шеърятидан. Омон Матжон. 20.05 Жар ёқасида. 20.20 Ёшлик кўшиқлари. 20.35 Аср қиёфаси. 20.55, 21.25, 22.30 Эълонлар. 21.00 «Эсмералда». Телесериал. 21.30 Аскар мактубла-

ри. 21.50 Олтин мерос. 22.00 «Давр». Ахборот дастури. 22.35 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал. 23.00 «Ёшлар» телеканалда спорт: Ринг кироллари. 00.00 «Давр». Ахборот дастури. 00.15 «Икки минг йилдан сўнг». Телесериал. 00.35-00.40 Хайрли тун! **Тошкент телеканал** 17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТВда сериал: «Санта-Барбара». 18.00 Болалар учун. «Куралай». 18.20 Мультфильм. 18.30, 20.00, 21.20, 22.10 «Пойтахт». Ахборот дастури. 18.45 ТТВда сериал: «Селеста, ҳамша Селеста». 19.10 «Тап-тортмаслар». Хужжатли фильм. 25-қисм. 19.35, 21.05, 21.55 «Экспресс» телегазетаси. 19.50 «Саломатлик маскани». 20.20 ТТВда сериал: «Бибилиска пул». 21.35 «Бахт тилаймиз».

22.30 Кинонигоҳ. «Сўнгги романс». 1-2-сериялар. 00.35-00.40 «Хайрли тун, шахрим!». **«Халқаро» телеканал** РЖТ 7.30-9.00 17.00 Кўрсатувлар тартиби. 17.05 «Вести». 17.30 СФИ тақдим этади: «Халқаро цирк фестивали». 18.20 «Ака-ука Гримм эртақлари». Мультсериал. 18.30 «Дурдаршан». 18.55 «Муҳаббат замини». Сериал. 20.00 «Мўъжизалар майдони». 21.00 «Время». 21.35 «Қалб қанотлари». Сериал. 22.20 «Менинг шахрим». 22.40 Кинонинг олтин асри: «Оз» мамлакатнинг сеҳрлари. Бадий фильм. 00.15 «Ахборот» (рус тилида) 00.45 «Тунингиз осуда бўлсин!» **30-КАНАЛ** 9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.45, 20.35 -

«Телехамкор». 9.30, 14.15 - Болалар соати. 10.25 «Жунжикиш». Сериал. 10.50 «Яхши кайфият». Мусикий-дам олиш дастури. 11.20 «Иблис боласи». Телесериал. 12.00 «Киролина Марго». 6,7-сериялар. 13.30 «Майами Сэндс». Телесериал. 15.10 Кундузги кинозал. «Ут ўрувчи - 2». 16.50 «Симпсонлар». Мультсериал. 17.15 «Жангвор спорт олами». Спорт дастури. 18.05 «Петербург сирлари». Телесериал. 19.00 «30-канал» кинооқшоми: «Монани чўктирдилар». Комедия. 21.00 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.20 «Ошиқона». Мусикий дастур. 21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Пойгачилар». Комедия. 23.15 «Тез ёрдам». Телесериал. 24.00 Ярим тунда спорт.

SHANBA **2** **«Ўзбекистон» телеканал** 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». 8.00-8.35 «Ахборот». 8.35 Газеталар шарҳи. 8.50 «Музыка бўстони». Телеальманах. 9.10 ТВ метео. 9.15 «Зиё» студияси намойиш этади: «Этикод мустақамлиги йўлида». 9.35 «Тафсилот». 9.50 «Фантадром». Мультфильм. 10.20 «Олтин бешик». 10.50 «Спорт, спорт, спорт». 11.05, 11.50, 13.50 ТВ анонс. 11.10 «Маърифат». Телеальманах. 11.30 «Бахтимизга омон бўлинг!». 11.55 ТВ-театр. «Алдагани хотин яхши». Спектакль. 13.25 «Ўзбекистон - Ватаним маним». 13.55 «Цирк, цирк, цирк». 14.20 Телевизион миниатюралар

театри. 14.55 ТВ кинотеатри: «Нодир шахс». Бадий фильм. 16.15 «Ягона оилада». 16.45 ТВ клип. 16.55 Болалар учун. «Саргузаштлар асри». Видеофильм. 5-қисм. 17.20 «Мўъжизалар майдончаси». Телевизион ўйин. 18.10 «Рангин дунё». 18.30 Болалар учун. «Фламинго». 18.55 «Пазандалик сирлари». 19.05 «Қишлоқ ҳаёти». 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида) 20.00 Оқшом эртақлари. 20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида) 20.30 «Ахборот». 21.05 «Соғлом она-соғлом бола». 21.25 «Шанба оқшомида». 22.00 Юнон-рум кураши буйича Ўзбекистон биринчи-

лиги. 22.30 «Ахборот - дайжест». **«Тунги ёғду» дам олиш кино-дастури.** 22.50 «Ўзбекистон» каналда биринчи марта «Гати Даниэл». Бадий фильм. 00.35 - 00.40 Ватан тўмсоллари. **«Ёшлар» телеканал** 7.55 Кўрсатувлар дастури. 8.00 «Давр тонги». 9.00 «Янги авлод» студияси: «Олтин қалит», «Ҳамма нарсани билишни истаيمان». 9.25 «Ака-ука Гримм эртақлари». Мультсериал. 32 қисм. 9.50 Табобат оламида. 10.10 Ёшлар овози. 10.30 «Эсмералда». Телесериал. 10.55 Аср қиёфаси. 11.15 «Ёшлар» телеканалда спорт: Ринг кироллари. 12.15 «Тошкент». Манзарали фильм. 12.25 Бола тилидан. 12.55 «Полиция комиссари». Телесериал. 13.45 Кутилмаган меҳмон. 14.05 «Азиз она юртим наволари». Миллий эстрада кўшиқлари I-

республика танлови катнашчилари ва голиблари концерти. 15.10 «Ёшлар» телеканалда спорт: Теннис. 15.45 Синфдош. 16.10 «Рамаёна». Телесериал. 16.45 Кўрсатувлар дастури. 16.50 «Янги авлод» студияси: У ким? Бу нима? 17.10 «Мульттомоша». 17.40 Ёшлар овози. 18.00 Футбол плюс. 18.20 Оқшом наволари. 18.35 Бизнес-академия. 18.50 Олтин мерос. 18.55, 21.55 Иқлим. 19.00 «Давр». Ахборот дастури. 19.30 Тв-анонс. 19.35 Каталог. 19.45 «Давр»-интервью. 20.00 Хайрат. 20.20 «Юлдузлар чехраси». 20.50, 21.45, 22.30 Эълонлар. 20.55 «Полиция комиссари». Телесериал. 21.50 Олтин мерос. 22.00 «Давр». Ахборот дастури. 22.35 Тунги тароналар. 22.45 «Қочоқ». Бадий фильм. 00.55-1.00 Хайрли тун! **Тошкент телеканал** 17.15 Кўрсатувлар

тартиби. 17.20 Мультчархпалак. 17.40 Болажонлар экрани. «Лесси». 19.10 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам». 19.30 «Табриклаймиз-кутлаймиз». 20.00 «Пойтахт шарҳи». 20.20, 21.20, 22.10 «Экспресс» телегазетаси. 20.35 «Ҳаҳон географияси». 21.35 «Мисли гавҳар». 21.50 «Ташриф». 22.25 Кинонигоҳ. «Зита ва Гита». 1, 2-сериялар. 00.45-00.50 «Хайрли тун, шахрим!». **«Халқаро» телеканал** 9.00 Кўрсатувлар тартиби. 9.05 «Дурдаршан». 9.30 «Соккер клуб». 9.50 «Мульттомоша». 10.10 Е. Петросяниннинг Кулпу панорамаси. 10.50 «Лаззат». 11.05 «СФИ янгиликлари». 11.15 «Инглиз тили Сиз учун». Болалар учун кўрсатув. 11.40 «Экран зийнати ва киймати». 12.05 «6х9». Шоу дастур.

12.50 Дўстлик видеоканали: «Саҳий хонадонда», «Немис шарҳи». «Бизнен мирас». 13.50-14.20 «Немис тили». 16.00 Кўрсатувлар тартиби. 16.05 «Бинафша». 16.20 СФИ тақдим этади: «Бешинчи улчов». 16.45 В. Леонтьев, Л. Долина, Ф. Киркорев М. Таниннинг юбилей концертида. 18.00 «Британия кундалиги». 18.15 М. Таниннинг юбилей концерти (давоми) 19.20 «Ҳазил кетидан ҳазил». Ҳажвий кўрсатув. 20.00 «Ким миллионер бўлишни истайдиган?» Телеўйин. 21.00 «Время». 21.30 «Мюзик холл». 21.55 «Кинопрофи». 22.15 Кинематограф. «Сноубординг академияси». Бадий фильм. 23.35 «Ахборот» (рус тилида) 00.05 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-КАНАЛ 9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.45, 20.30 - «Телехамкор». 9.30 «Питер Пен». Мультсериал. 10.00 Фильм-болаларга. «Бир, икки - қайғу фалокат эмас». Эртақ. 11.30 «Алекс Макнинг сирли олами». Сериал. 12.00 Оилавий кино. «Марсга йўл». Фантастика. 13.40 «Баффи». Телесериал. 14.30 Ҳинд киноси. «Биз ҳаммадан яхшимиз». Мелодрама. 16.40 «Яширин камера билан». Ҳажвий дастур. 17.00 «Уз ўйини». Теле-шоу. 18.10 «30-канал» кинооқшоми: «Мен кимман?». Комик-жангари фильм. 19.50 «Ошиқона». Мусикий дастур. 20.00 «Агентлик». Сериал. 21.00 «30-канал» да детектив соати. 21.45 «30-канал» кинооқшоми: «Уч кироқ». Жангари. 23.30 Мусикий дастур.

Yakshanba **3** **«Ўзбекистон» телеканал** 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». 8.00-8.35 «Ахборот». 8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастур. 9.10 ТВ метео. 9.15 «Ғаройибот». 9.30 «Кўҳна замин оҳанглари». 10.00 «Ватанимга хизмат қиламан». 11.00 «Она меҳри». 11.20 «Кўвнок стартлар». Телемусобақа. 12.00 «Йил мактаби». Республика кўрик танлови. 12.25 ТВ клип. 12.35 «Пазандалик сирлари». 12.45 «Мўъжизалар майдончаси». 13.35 Тв-анонс. 13.40 Тв-1 кинотеатри: «Хотира саодати». Бадий фильм. 1-қисм.

14.50 «Болаликнинг мовий осмони». 15.10 «Хотира саодати». Бадий фильм. 2-қисм. 16.15 «Бу ажиб фасл». Телеальманах. 16.35 Болалар учун. «Саргузаштлар асри». Видеофильм. 6-қисм. 17.00 «Оқ олтин». Телелотерея. 17.35 «Талабалик йиллари». 17.55 «Олтин тож». Телевизион ўйин. 18.25 Муайтай буйича Ўзбекистон чемпионати. 18.45 «Қишлоқ ҳақида ўйлар». 19.05 «Туртинчи ҳокимият». 19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар. 19.30 «Тахлилнома» (рус тилида) 20.05 Эстрада тароналари. 20.30 «Тахлилнома».

21.15 «Яшанбада Сиз билан бирга». 21.45 «Иннан кейин». Дам олиш дастури. **Яшанба кинозали:** 22.20 «Менинг сўнгги тангоим». Бадий фильм. 23.55-00.00 Ватан тўмсоллари. **«Ёшлар» телеканал** 7.55 Кўрсатувлар дастури. 8.00 «Давр тонги». 9.00 «Янги авлод» студияси: У ким? Бу нима? 9.20 Мультфильм. 9.35 Футбол плюс. 9.55 «Давр»-интервью. 10.10 Ёшлар овози. 10.30 «Заковат» интеллектуал ўйини. 11.25 Аскар мактублари. 11.45 Чемпион сирлари. 12.05 Очил дастурхон. 12.20 «Наврўз оҳанглари». Мусикий дастур. 12.40 «Полиция комиссари». Телесериал. 13.30 Хандалак. 13.55 Интерфутбол. 15.35 Қишлоқдаги

тенгдошим. 15.55 Спорт ҳафтано-маси. 16.10 «Рамаёна». Телесериал. 16.45 Кўрсатувлар дастури. 16.50 «Янги авлод» студияси: «Ким эпчилу? Ким қаққон?». 17.15 Оқшом наволари. 17.25 «Учинчи сайёра» маърифий дастур. 18.15 Яшанбада кўришгунча. 18.30 Очун. 18.55, 21.55 Иқлим. 19.00 Давр-news. 19.20 Тв-анонс. 19.25 Ўзбекистон халқ артисти Маъмуржон Тўхтасинов куйлайди. 19.40 Оила тилсими. 20.05, 21.00, 22.30 Эълонлар. 20.10 «Полиция комиссари». Телесериал. 21.05 «Онахоним». Мусикий дастур. 21.20 «Зинама-зина». 21.50 Олтин мерос. 22.00 «Давр» ҳафта ичида. 22.35 Тунги тароналар. 22.45 «Қочоқ-2».

Бадий фильм. 00.30-00.35 Хайрли тун! **Тошкент телеканал** 17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 «Эртақларнинг сеҳрли олами». 19.00 «Спорт-тайм». 19.20 «Телефакт». 19.30 «Табриклаймиз-кутлаймиз». 20.00, 20.45, 22.00 «Экспресс» телегазетаси. 20.15 «ТВ плюс». 21.00 «Тошкент ва тошкентликлар». Бевосята мулоқот. 22.15 «Радиус 21». 22.35 Кинонигоҳ. «Катта пойғалар». 00.05-00.10 «Хайрли тун, шахрим!». **«Халқаро» телеканал** 9.00 Кўрсатувлар тартиби. 9.05 «Кайфият». Дам олиш дастури. 10.10 Д. Криловнинг «Йулда ёзилмаган қайдлари». 10.30 «Ҳамма уйдалигида».

11.05 Болалар соати: «Оқуш малика». Бадий фильм. 12.35 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида) 12.45 «7дан 70гача». 13.20 «Парле ау франсэ?». 13.45-14.45 «Дўстлик» видеоканали: «Айчурек», «Дидар». 17.30 Кўрсатувлар тартиби. 17.35 «Мультсеанс». 17.55 «До-ми-соль шоу». Болалар учун дастур. 18.35 Л. Куравлёв «Хурсандчиликда яшанг» комедиясида. 20.00 Роман Карцев бенефиси. 21.00 «Етти кун». Ҳафта якуналари. 21.25 «Тенгдошлар». 21.55 «Ўзимиз ҳақимизда ўзимиз». 22.10 Кинематограф. «Юлдуз талаб қилинади». Бадий фильм. 23.35 «Тахлилнома». 00.10 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-КАНАЛ 9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 11.30, 17.45, 20.30 - «Телехамкор». 9.30 «Питер Пен». Мультсериал. 10.00 Фильм - болаларга. «Оловдиннинг сеҳрли чирғи». Эртақ. 12.00 Оилавий кино: «Афона». 13.40 «Баффи». Телесериал. 14.30 Кундузги кинозал. «Вилли Гав Канар оролларида». Комедия. 16.10 «30-канал» да кизикarli учрашулар. «Премьер-министр» гуруҳи. 17.00 «Уз ўйини». Теле-шоу. 18.10 «30-канал» кинооқшоми: «Пляж». 19.50 «Ошиқона». Мусикий дастур. 20.00 «Агентлик». Сериал. 21.00 «30-канал» да детектив соати. 21.45 «30-канал» да яшанба кинооқшоми. «Рус қўзғолони».

Sport

Sport

Sport

Солт-Лейк-Сити:

НОРВЕГИЯЛИКЛАР ҒОЛИБ

Солт-Лейк-Ситидаги қишки Олимпиада ўйинларининг ўн биринчи кунинда бешта мусобақа ўтказилди. Чанги пойгасида 1,5 километр масофага бўлиб ўтган спринт баҳсларида эркаклар ўртасида норвегиялик Тор Арне Хетланд ғалаба қозонган бўлса, аёллар орасида россиялик Юлия Чепаловага тенг келадигани топилмади.

Шунингдек, акробатика бўйича чехиялик фристайлчи Алеш Валента, америкалик бобслейчилар – Жилл Баккен ва Вонетта Флауэрз жуфтлиги ҳам ўз терма жамоасига олтин медаль келтирди. Конькида 1500 метр масофага ўтказилган беллашувда АҚШ вакили Дерек Парра олимпиада олтин медалини кўлга киритиш билан бирга, жаҳон рекордини ўрнатишга ҳам муваффақ бўлди.

Медалъ жамғариш бўйича Норвегия жами тўққизта олтин, олти кумуш ва иккита бронза медали билан Германиядан ўзиб кетди. Немисларда эса саккизта олтин, ўн учта кумуш ва еттита бронза медали бор. Олимпиада мезбонлари олтин, саккизта кумуш ва еттита бронза медали билан

учинчи погонани банд этиб турибди.

Нуфузли спорт мусобақалари давомида турли ихтимой институтлар томонидан жамоатчилик фикрини ўрганиш одатий ҳол бўлиб қолган. Гэллар институти Олимпиада ўйинлари дастуридаги қайси спорт тури телетомошабинларни кўпроқ қизиқтириши-



ни аниқлаш учун сўров ўтказди. Унда қатнашганларнинг 32 фоизи фигурали учш мусобақаларига қизиқиши катта эканини айтган. Тоғ чангиси ва бобслейчилар беллашувлари ҳам томошабинларга хуш келар экан.



Ирландияликлар қишки Олимпиада ўйинларида ҳали битта ҳам медални кўлга киритолмади, лекин уларнинг ҳам Солт-Лейк-Ситига келган ўз қахрамони - Поль О'Коннор бор. Бу спортчи чанги пойгасида қатнашган биринчи ирландиялик сифатида тарихда қоладиган бўлди. 43 ёшли спортчи 17 йил муқаддам Юта штатида кўчиб келган ва бу ерда чанги спорти сирларини ўрганган эди. Тақдир тақозоси билан Поль О'Коннор тарихий ватани - Ирландия спорт шарафини ўзи яшаётган штат ҳудудида ҳимоя қилмоқда. Спортчи бирон бир муваффақияти билан мақтана олмасан-да, олтига ҳамюрти қатори Олимпиадада иштирок этаётганидан жуда бахтиёр.

Поль О'Коннорнинг айни пайтдаги асосий мақсади юртдошларини қишки спорт турларига қизиқтиришдир.

Зоҳир **ТОШХҲҲАЕВ**,
(ЎЗА).

РАҚИБ ИЛТИФОТИ

Қишки Олимпиада ўйинларида спортчилар қутилмаган воқеаларга ҳам дуч келмоқда. Хафпайп беллашувларида кумуш медаль соҳиббаси бўлган франциялик сноубордчи Дориана Видель бошқа бир спортчи илтифоти туфайлигина мусобақага вақтида етиб келиб, совриндорлар қаторидан жой олди.

Д. Видаль Олимпия қишлоқчасидан ташқарида Парк-Ситидаги меҳмонхоналардан бирида истиқомат қилаётган эди. У мусобақадан бир кун олдин таксига буюртма берди. Лекин эртаси кун келишилган вақт яқинлашган сайин Дорианани хавотир боса бошлади. Чунки машинадан дарак йўқ эди. Дориананинг бироз омади бор экан. Мусобақага кетаётган бошқа бир сноубордчи шахсий автомобилида уни беллашувлар жойига элиб кўйди.

ОТА-БОЛА БАҲСИ

Ҳали Лотин Америкасидан қатнашаётган спортчилар ўртасида ушбу олимпиадада ғолиб чиққанлар бўлмаган эди. Лекин қахрамонлар учраб туради.

Бу галги олимпиадаларда кўпчиликнинг эътибори Венесуэла шарафини ҳимоя қилаётган ота-бола Хегерларга қаратилган. Қизиғи шундаки, Вернер ҳам, унинг ўғли Кристофер ҳам чаначилар мусобақасида қатнашади. Бунгача ҳеч қайси олимпиадада ота-ўғил бир-бири билан беллашгани кузатилмаган. Албатта, ёш ўғил ўзининг ёшлигини кўрсатиб, падари-бузрукворини тўққиз поғонада ортда қолдириб, 31-ўриндан жой олди.

МАДРИДЛИКЛАР РОЗИ

Испания пойтахти аҳолисининг аксарият қисми 2012 йилги ёзги Олимпиада ўйинлари Мадридда ўтишини маъқуллаганлар тарафдори бўлмоқда. Махсус ўтказилган сўровномада қатнашганларнинг 85 фоизи бу фикрни маъқуллади. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, 2012 йилги ёзги Олимпиада ўйинларига мезбонлик қилишга яна бир Испания шаҳри - Севилья ҳам даъвогар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона қўмитасининг божхона коллежи 2002-2003 ўқув йили учун божхона иши-ҳуқуқшуноси мутахассислиги бўйича қабул ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Божхона коллежи ҳарбийлашган ўрта махсус, касбуна тарбия муассасаси ҳисобланади. Божхона коллежи божхона идоралари учун ўрта бўғин кадрларни тайёрлайди. Коллежда ўқитиш муддати 3 йил, шу жумладан 1 йил амалий ишда синовдан иборат. Ўқитиш давлат таълим грантлари асосида кундузги шаклда амалга оширилади.

Коллежда ихтимой-гуманитар: юридик ва божхона ишига оид махсус фанлар, инглиз тили, ҳарбий хизмат, автомобиль тайёргарлиги, информатика асослари каби фанлар ўқитилади.

Коллеж битирувчиларига божхона иши-ҳуқуқшуноси мутахассислиги дипломи, божхона хизмати лейтенанти унвони берилди. Ўқиш вақти божхона органлари хизмати стажига ва қуролли кучлар сафларида хизмат қилмаганларга эса, ҳарбий хизмат муддатига қўшилади.

Коллеж курсантлари норматив пул таъминоти, кийим-бош, озиқ-овқат ва ётоқхона билан бепул таъминланадилар. Божхона коллежига 11 йиллик умумий ўрта таълимга эга, ёши 17дан 23гача бўлган, бўйи 170 см.дан паст бўлмаган, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари (асосан йигитлар) қабул қилинади. Абитуриентлар ёши жорий йилнинг 31 декабри билан белгиланади.

Жойларда божхона идоралари махсус комиссиялари томонидан амалга ошириладиган касбий танлов талабларига жавоб берган абитуриентларнинг шахсий ҳужжатлар йиғма жилдлари божхона коллежига юборилади. Ҳарбий-тиббий кўрик, жисмоний тайёргарлик ва касбий танловнинг бошқа синовларидан ўтган абитуриентлар она тили ва математика бўйича тест синовларида иштирок этадилар. Божхона коллежига ўқишга кириш тўғрисидаги аризалар фуқаро яшаб турган жойдаги божхона идоралари томонидан 2002 йилнинг 1 апрелига қадар қабул қилинади.

Ҳужжатларни расмийлаштириш билан боғлиқ маълумотларни Тошкент вилояти божхона бошқармаси кадрлар бўлими телефонлари орқали олишнинг мумкин.

Тел.: 120-86-14, ички: 40-41.

Манзилми: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Темур Малик кўчаси, 2-уй.

«Тошкент-Телеком» ОЧИҚ ТУРДАГИ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИОНЕРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Тошкент-Телеком» очик турдаги акциядорлик жамияти акциядорларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 27 декабрдаги 488-сонли қарори, «Тошкент-Телеком» акциядорлик жамиятининг қайта тузилиши ва «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг филиалига айлантирилиши ҳамда жамиятнинг бу компанияга филиал кўринишида бирлаштирилиши муносабати билан жамият акциядорларининг умумий йиғилиши қарори асосида шуни маълум қиладики, қимматли қоғозлар – «Тошкент-Телеком» очик турдаги акциядорлик жамияти томонидан чиқарилган оддий, номи ёзилган, пулсиз берилган акциялар (низом фонди 616774 минг сўм) бекор қилинади ва улар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги белгиланган тартиб ва муддатларда «Ўзбектелеком» компанияси акцияларига алмаштирилади.

«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси шартномалар ва мажбуриятлар бўйича «Тошкент-Телеком» очик турдаги акциядорлик жамиятининг ҳуқуқий меросхўри ҳисобланади.

Акциядорлар юзага келган масалалар ҳамда уларни ҳал қилиш бўйича бир ой муддат давомида «Тошкент-Телеком» жамиятининг ижрочи органига қуйидаги манзил бўйича: Тошкент шаҳри, Аъзам Хўжаев кўчаси, 29-уйга мурожаат қилишлари мумкин.



Маълумот

учун телефонлар:
133-92-34, 136-10-94.

«Тошкент-Телеком».

XVII asr va dunyo

Mamlakatlar
Odamlar
Voqealar
G'aroyibotlar

Eng
so'nggi
xabarlar



ИШЛАРИ

СИРЛИ «SOBFA»

Германия мудофаа вазири Рудольф Шарпингнинг ҳазили Франкфурт шаҳри полициясининг оёққа туришига сабаб бўлди. Вазирнинг суюкли рафиқаси Кристина Пилати-Боргрев хонимга аллақандай номаълум шахсдан шубҳали кути келган эди. Ҳар қадамда сибирь куйдиргиси билан боғлиқ ваҳималарни кўраётган Пилати-Боргрев хоним, террорчиларнинг хужумига дучор бўлдим, деб ўйлаб дарҳол полицияга хабар берди. Тезда етиб келган тартиб посбонлари "совға"ни портлатиб юбормоқчи бўлди. Бироқ, аввал қутини узоқдан туриб бошқариладиган робот ёрдамида очиб кўришга қарор қилинди. Чиройли ўралган ва безатилган кути ичида олти шиша қизил вино турар эди.

Тергов жараёнида ҳаммаси аён бўлди. Р. Шарпинг ресторанда шу хил винони ёқтириб қолиб, маъмуриятдан уйга бир кути юборишни илтимос қилган, бироқ рафиқасини оғохлантириб қўйишни унутганди.

НЕПАЛ - ТЕРРОР ИСКАНЖАСИДА

Якшанба кuni Непалда исёнчилар мамлакат жанубидаги бир неча қишлоқда полициячиларга ҳужум қилди. Ўзаро отишмаларда юздан ортиқ одам ҳалок бўлди. Қурбонлар орасида тинч аҳоли вакиллари ҳам бор.

Ўтган йили қирол саройида рўй берган хунрезликдан сўнг Непалда бундай мудҳиш воқеа содир бўлмаганди. Исёнчиларнинг бундай тажовузи ҳукуматни бироз таҳликага солиб қўйди. Муҳолиф кучлар ҳукуматдан норозилигини турлича намён этиши мумкин. Маҳаллий кузатувчиларнинг айтишича, 1996 йилдан буён давом этиб келаётган қуролли ҳаракатлар ичида буниси ҳаммасидан ошиб тушган.

Исёнчилар билан ҳукумат вакиллари ўртасида тинчлик музокаралари ўтказилган ва маълум ижобий натижаларга ҳам эришилганди. Лекин исёнчилар ўтган йилнинг ноябрь ойида ўт очишни тўхтатиш ҳақидаги битимни бекор қилди. Уч кун ўтиб, мамлакатда фавқулодда ҳолат эълон қилинди.

Исёнчилар сони ҳозир уч мингдан ортиқ. Улар давлатга тегишли қурол-аслаҳа омборларини бузиб, замонавий қуролларга эга бўлиб олган. Шу боис уларни бўйсундириш ҳукуматга анча қийин бўлиб қолди. Тўғрироғи, ҳукумат музокаралар йўли

билан ўзаро келишувга эришишга умид қилиб турганди. Аммо исёнчиларнинг тажовузлари борган сари авжига чиқаётганини ҳисобга олиб, энди бошқача чора кўришга тўғри келади.

Об-ҳаво ёмонлиги ҳамда хунрезлик содир бўлган қишлоқлар тоғли худудларда жойлашгани боис ҳукумат кўшинлари бу ерга анча кеч етиб келди. Шунга қарамай, исёнчиларга анча талафот етказилди.

Мамлакат бош вазири Баҳодир Дюбуа шошилинич йиғилиш ўтказиб, парламент билан қуролли кучлар ҳуқуқларини кенгайтириш ҳақида маслаҳатлашиб олди. Конституцияга кўра, қуролли кучлар фақат четдан келган душманлар билан урушиши мумкин. Бош вазир парламентда конституцияга ўзгартириш киритиш учун керакли овоз йиға олди.

Олти йилдан буён давом этиб келаётган уруш мамлакатнинг силласини қуритгани сир эмас. Ҳарбийларнинг сўзларига қараганда, ўтган йилнинг ноябридан буён 1400 нафар исёнчи қамоққа олинган.

Айни пайтда исёнчиларга Прачанда лаҳабли киши раҳбарлик қилмоқда. Айтишларича, бу сўз "ёвуз" деган маънони англатади.

Нотинчликлар пойтахтда ҳам кузатилмоқда. Исёнчилар шу ой бошида давлат солиқ кўмитасида рўй берган иккита портлаш учун жавобгарликни ўз бўйнига олди. Бу кўпоровчилик туфайли ўнга яқин беғуноҳ одам ҳалок бўлганди.

Абдуфарруҳ ТўРАЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.



Американинг гўзал шаҳарларидан бири — Бостон.

АҚШ ҳукумати Европа Иттифоқининг Зимбабвега қарши ҳазо чораларини қўллаб-қувватлади. Расмий Вашингтон ҳам тез орада шундай қарор қабул қилиши мумкин, деди давлат департаменти расмий вакили Ричард Баучер. Унинг айтишича, Африканинг мазкур мамлакатида инсон ҳуқуқларини бузиш ҳоллари ҳамон давом этмоқда. Устига-устак, матбуот эркинлиги йўқ. Ҳукумат эса, бўлажак сайловни демократик тарзда ўтказиш чораларини кўрмаётир.

Иордан дарёсининг ғарбий соҳилида яна бир кўпоровчилик содир этилди. Бунинг натижасида етти нафар яҳудий ҳалок бўлди ва бир неча киши жиддий жароҳатланди. Хабарларга кўра, бир гуруҳ жиноятчилар исроилликлар кетаётган автобусга ҳужум қилган.

Шри-Ланка пойтахтида Интерполнинг Осие анжумани бошланди. Унда Осие, Америка ва Европадаги қирққа яқин давлатдан вакиллар иштирок этмоқда. Тадбир қатнашчилари бир неча кун давомида уюшган жиноятчилик, халқаро террорчилик ва коррупцияга қарши биргаликда курашиш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилмоқда.

АҚШ ва Жанубий Корея президентлари Жорж Буш ва Ким Дэ Чжун Шимолий Корея ҳукуматини оммавий қирғин қуроллари масаласи бўйича музокара ўтказишга чақирди. Биз ушбу масала юзасидан КХДР билан тўғридан-тўғри музокара ўтказишга тайёрмиз, деди президентлар Сеулда ўтган матбуот анжуманида.

Яқинда Россиянинг Псков вилоятида "Су-24" бомбардирмончи самолёти йўқолган эди. Уни қидириш ишлари ҳамон давом этмоқда. Россия ҳарбий-ҳаво кучлари матбуот хизмати бошлиғи Александр Дробишевскийнинг маълум қилишича, қидирув ишларига юздан ортиқ ҳарбий жалб қилинган.

Мисрда Қоҳирадан Луксорга қатновчи йўловчи поездда ёнғин содир бўлди. Хабарларга кўра, эллик киши ҳалок бўлган ва камида юз киши жароҳатланган. Ёнғин бошлангач, поезд дарҳол тўхтаётган. Шу боис йўловчилар жон сақлаш мақсадида ташқарига сакраган ва кўпчилиги ҳалок бўлган.

ШАҲЗОДА ЭНДРИУНИНГ ТУҲФАСИ

Буюк Британия қиролчиси Елизавета Иккинчи



ниҳоят янги технологиялардан фойдаланишга қарор қилди. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, қиролчица уяли телефон ишлата бошлаган. Шу пайтгача қиролчица ҳеч ким қиролчица уяли телефон билан кўрмаган эди.

Букингэм саройи вакиллари айтишича, қиролчица уяли телефонни унинг ўртанча ўғли, шаҳзода Эндрю софга қилган.

ТАРИХНИНГ ТАКРОРЛАНИШИНИ ҚАРАНГ

Наполеон 1760 йилда туғилган. Гитлер эса 1889 йилда олам юзини кўрган.

Булар ўртасидаги фарқ 129 йил.

Наполеон 1804 йилда ҳокимият тепасига келган. Гитлер 1933 йилда шундай лавозимни эгаллаган. Бунинг фарқи ҳам 129 йил.

Наполеон Россияга 1812 йили ҳужум қилган эди. Гитлер эса 1941 йилда уруш бошлади. Бунинг фарқи ҳам 129 йил.

Ҳар иккиси ҳам ҳокимият тепасига 44 ёшида келган. Ҳар иккиси ҳам 52 ёшида Россияга ҳужум қилган.

Ҳар иккиси ҳам Россияга қарши урушларда шармандаларча мағлубиятга учраган.

Линкольн 1860 йилда биринчи АҚШ президенти бўлган эди. Кеннеди эса, 1960 йилда президентлик сайловларида ютиб чиқиб, шу лавозимни эгаллади. Ўртадаги фарқ 100 йилни ташкил этди.

Ҳар иккиси ҳам жума кuni ўлдирилган.

Линкольн ўлиmidан кейин Жонсон деган президент бўлган. Кеннеди ўлиmidан кейин ҳам унинг ўринбосари

бўлган Жонсон исми шахс ҳокимият тепасига келган.

АҚШнинг бу икки президенти таржимаи-ҳолида бошқа ўхшаш ҳоллар ҳам йўқ эмас. Улар АҚШнинг жанубий штатидан бўлиб, демократ ва ҳокимиятга ўтиргунга қадар сенатор бўлишган.

Линкольн ўлиmidан кейин президент бўлиб сайланган Жонсон

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

Турфа олам

Турфа олам

ЁШ ЭКОЛОГЛАР ТАНЛОВИ

Халқ таълими вазирлиги, "Биозкосан" ўқув-услубий мажмуи, Тошкент шаҳар табиати муҳофазаси қилиш қўмитаси, "Экосан" халқаро жамғармаси ҳамкорлигида Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманида экооромгоҳ ташкил этилиши муносабати билан иқтидорли ёш экологларни танлаб олиш мақсадида кўрик-танлов эълон қилинди.

ЮНЕСКО томонидан 2002 йилнинг Халқаро экотуризм йили деб эълон қилинганига бағишланган мазкур танловда мамлакатимиз таълим тизими муассасаларининг 12-16 ёшдаги ўқувчилари иштирок этади. Иштирок-

чилар Марказий Осиё минтақасида биологик хилма-хилликни сақлаш, атроф муҳитга зарар келтирилган салбий таъсирларни камайтиришнинг ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий муносабатларини шакллантириш сингари мавзуларда

Тадбир

яратган реферат ишларини тақдим этади. Ижодий ишлар вилоятлар халқ таълими бошқармалари, туман халқ таълими бўлимлари ҳузурида фаолият кўрсатётган экология ва табиатшунослик марказлари ёки Республика ўқувчи ёшларининг "Биозкосан" ўқув-услубий мажмуида 5 апрелдан 6 майгача қабул қилинади.

Танлов натижалари 5 июнь — Жаҳон атроф-муҳитни муҳофазаси қилиш куни арафасида эълон қилинади.


Баҳор ХИДИРОВА,
ЎЗА муҳбири.

Bolalik bog'i

ТОРІШМОҚЛАР

Uyulsa par yostig'i,
Hammayoqni loy qilar.
Hosilga hosil qo'shib,
Barchamisni bo'y qilar.

(1' bшoЛ)



Oyoq, qanotsiz kezib,
Bo'yoq, qalamsiz izg'ib.
Har oynaga solar gul,
Issiqdan qochib nuqul.

(bnлoS)

8-саҳифа меҳмони

Юртимизда Ўзбекистон футболни ривожлантиришга ҳисса қўшган ва қўшаётган инсонлар ҳақида мароқ билан ўзоқ гапириш мумкин. Шундай кишилардан бири Тошкент вилояти фахрийлар футбол жамоаси бош мураббийи Валижон ака Шерматов бўлади. Бу футболга фидойий инсон ҳақида аввал ҳам эшитганимиз, аммо шу пайтгача кўришиш ва гаплашиш насиб этмаганди. Валижон ака билан суҳбатимиз тезда қовушди. Ўзи бир ишга астойдил меҳр қўйган одам билан мулоқотга киришиш одатда осон кечади. Сабаби ҳаётининг мазмунини, дардини, ташвиши, қувончи бўлган мавзуда гап бошладингизми, бас, ҳамсуҳбатингиз жонланиб, сўзлари фикр-хаёлингизни ўзига тортади қўяди. Бугун ҳам шундай бўлди.

— Футболга меҳр уйғонган болалик ва ўсмирлик чоғларингизни бир эсласангиз.

— Асли чинозликман. Шу ерда туғилиб воёга етдим. Кўплар қатори тўп тепишни кўчада ўрганганман. Маҳаллалар, синфлараро кечадиган беллашувлар мен учун байрамга айланарди. Илк сабоқни кўча футболдан олганман. Ушандаёқ футболсиз келажак ҳаётини тасаввур эта олмаслигимни ҳис этганман. Саққинчи синфни тугатгач, Тошкент қурилиш техникумига ўқишга кирдим. Таҳсил давомида ҳам машғулларга мунтазам қатнашдим. Турли мусобақаларда билим даргоҳимиз шарафини ҳимоя қилдим. 1961 йили пойтахт техникумлари ўртасида иккинчи ўринни олганмиз.

— Кейин-чи?

— Ўқишни тугатиб, йўлланма бўйича Сирдарёга ишга юборилдим. Сайхунободдаги давлат ҳўжалигида курувчилар бригадасига уста вазифасига тайинландим. Бахтимга ҳўжалик раҳбари «Пахтакор»нинг ашаддий муҳлиси эди. Унинг қўмағи ва менинг ҳаракатим билан футбол жамоаси ташкил этдик. Уйинимиз қовушиб, туманда пешқадам жамоалар қаторига қўшилдик. 1964 йили командамиз вилоят биринчилигида совриндор бўлди. Ҳарбий хизмат даврида ҳам футболдан йироқлашмадим. Иккинчи топдим дегунча маҳоратимни оширишга интилдим.

— Армиядан қайтгач, қаерда ишлагингиз?

— Чиноз қурилиш материаллари комбинатида мутахассислигим бўйича ишга жойлашдим. Ҳам корхона футбол жамоасида ўйнадим, бир неча марта нуфузли турнирларда голиблик нашидасини тотдик. Жисмоний тарбия жамоалари кубоги ўйинларида 1978 йили финалгача бордик. Ҳал қилувчи матчда Тошкентнинг «Динамо»сидан енгилдик. Мураббийлик фаолиятимга келсак, 1977 йилдан бошлаганман. Дастлабки пайтлари ўйновчи мураббий

яратган реферат ишларини тақдим этади. Ижодий ишлар вилоятлар халқ таълими бошқармалари, туман халқ таълими бўлимлари ҳузурида фаолият кўрсатётган экология ва табиатшунослик марказлари ёки Республика ўқувчи ёшларининг "Биозкосан" ўқув-услубий мажмуида 5 апрелдан 6 майгача қабул қилинади.

яратган реферат ишларини тақдим этади. Ижодий ишлар вилоятлар халқ таълими бошқармалари, туман халқ таълими бўлимлари ҳузурида фаолият кўрсатётган экология ва табиатшунослик марказлари ёки Республика ўқувчи ёшларининг "Биозкосан" ўқув-услубий мажмуида 5 апрелдан 6 майгача қабул қилинади.

Баҳор ХИДИРОВА,
ЎЗА муҳбири.

ФУТБОЛ



ФИДОЙИСИ

десалар Чинозда у кишини ҳамма билади, бошқа жойларда ҳам...

бўлдим. Майдонда ҳаракат қилиб, устозлик вазифасини адо этиш тажриба ва малакамни оширишда жуда қўл келди.

— Демак, қарийб чорак асрдан буён мураббийсиз. Бошқа шаҳарлардаги жамоаларда ҳам ишлашга чакиринганми?

— Самарқанд, Наманган, Бекобод шаҳарларидан таклифлар тушган. Аммо оилавий шароитим туфайли бормадим. Қолаверса, мени кўпроқ фахрийлар билан ишлаш қизиқтирар эди. Ахир, катта футболдан сўнг қаерда, қайси соҳада ишланган, энди бас, деб бутсини қозикча олиш чин футболчиға хос эмас. Кейин жойларда футболни ривожлантиришда, ёш авлод қалбида унга муҳаббат уйғотишда «қария»ларнинг ўрни бошқа. Шу боис Чинозда қолиб, фахрийлар билан ишлашни афзал билдим. 1985 йилдан бери туман фахрийлар жамоасига раҳбарман. Утган йили эса, вилоят фахрийлари терма жамоасига бош мураббий этиб тайинландим.

— Бултурсизлар иштирок этган мусобақалар хусусида ҳам гапириб берсангиз.

— Туманимиз вакиллари вило-

кор»га ютқазиб қўйдик. Республика чемпионатида эса, ўз майдонимизда Тошкент шаҳри вакиллари ҳамда пахтакорчиларни бир хил — 3:1 ҳисобида енгдик.

— Жамоанинг асосий таркиби кимлардан иборат? Ҳомийлар ёрдами қандай бўляпти?

— Жавобни иккинчи саволингиздан бошласак. Фахрийлар жамоасига ҳомийларнинг бири ўзим. Чиноз шаҳрида хусусий ҳойхонам бор. Кейин туман ҳокимлиги, Пахта кабел заводи маъмурияти ҳам бизга яқиндан ёрдам берапти. Туман фермер ҳўжаликлари уюшмаси раиси Усмонали Умаров эса, кийим-кечак олиб беришни зиммасига олган. Насиб этса, қолган муаммолар ҳам мавсум бошлангунча ҳал этилади. Бизда Марат Мифтахуддинов, Баҳодир Каримов, Олим Мўминов, Ислоҳ Мўминов, Ризо Билолов, Эргаш Тошматов, Абу-бакир Худойберганов ва дарвозабон Бахтиёр Каримовлар етакчи ўйинчилар ҳисобланади. Улар республикамизга машҳур футболчиларга муносиб рақиб бўла оладиган спортчилардир.

— Катталар бу борада

ёшларга ўрнак бўлаётгани қувончли ҳол. Демак, Чинозда футболни ҳар томонлама ривожлантиришга замин ҳозирланяпти, десак бўларкан-да?

— Албатта. Чиноздан бир вақтлар кўп иқтидорли футболчилар етишиб чиққан. Лекин, кейинги уч-тўрт йилда туманимизда футболга эътибор бироз сусайган эди. Охириги ўн йилда биздан ҳатто иккинчи лигада биронта жамоа қатнашмади. Туман раҳбарларининг ғайрати ва кўрилган чора-тадбирлар натижасида 2001 йилдан «Чиноз» жамоаси иккинчи лига мусобақаларида иштирок этишига руҳсат берилди. Кексалар айтганидек, эртанинг тараддудини бугун кўриш даркор. Энди болалар ва ўсмирлар футболга ҳам гамҳўрликни қўчайтиришимиз зарур. Изласак, албатта, имкони топилади. Ажаб эмас, яқин йилларда чинозлик ёшлар мамлакат микёсида ўзларини кўрсатсалар. Эътиборлиси бу йўлда интилиш бор. Вилоят футбол федерацияси ва бошқа мутасадди ташкилотлар томонидан зарур тадбирлар белгиланган.

— Дарвоқе, фарзандларингиз ҳам футболга қизиқшадими? Ишингизни давом эттирадигани борми?

— Бир ўғил, бир қизим, учта неварам бор. Ўғлим бошқа касбини танлаган. Аммо неварам Иброҳимжонни етук футболчи қилиб тарбиялаш орзусидаман.

— Бу йилги режалар ҳақида ҳам тўхталсангиз?

— Фахрийлар ўртасида ўтказиладиган вилоят биринчилиги, Жўра Хоназаров хотира турнирига тайёргарликни бошлаш арафасидамиз. Шу билан бирга ташкиллаштириладиган бошқа мусобақалар, ўртоқлик учрашувларида қатнашишни ҳам режалаштирганмиз. Мақсадимиз яхши ўйин кўрсатиб, муҳлисларни хурсанд этиш.

— Раҳмат, ниятингизга етинг. Сиз бошлаган эзгу иш барча туман ва қишлоқларга ёйилсин. Футбол фидойилари, ҳомийлари сафи кенгаверсин.

Сўбатдош: **Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ.**

СУРАТДА: В. Шерматов (ўнгда) вилоят футбол фахрийлари мусобақаси голиби учун таъсис этилган совринни қабул қилиб алмоқда. Сайфиддин ИСКАНДАРОВ олган сурат.

Янги кўргазма

Ўзбекистон Бадий академияси Замонавий санъат марказида "Мушиқа. Пластика. Ранг" мавзудаги бадий кўргазма очилди. Унда қарийб ўттиз нафар муаллифнинг юздан ортиқ асари намойиш этилмоқда.

Рангтаъсир, мушиқа ва санъатнинг ўзаро мутаносиблигини намойиш қилган мазкур кўргазма санъат ихлосмандлари учун қўтилмаган совға бўлди. Гап шундаки, янги йўналишда тайёрланган бу кўргазмага қўйилган экспонатларнинг ҳар бирида мушиқа элементлари ўз ифодасини топган. Таниқли рассомлар Ж. Умарбеков, Ф. Гамбаров, М. Кагаровнинг хилма-хил рангтаъсирларида, Т. Тожихўжаев, Р. Авакян, А. Ҳатамовнинг "Раққоса", "Аёл", "Созанда" сингари ҳайкалтарошлик асарларида инсоннинг мушиқа билан боғлиқ ҳолатлари яққол акс эттирилган.

5 мартга қадар давом этадиган мазкур кўргазмада томошабинлар Ўзбек Миллий академик драма театрининг бош рассоми, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Б.Тўраевнинг турли спектакллар учун ишлаган асарлари, шунингдек, Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театри созандаларининг мушиқали дастурлари билан ҳам танишадилар.

Б. МАНСУРОВ,
ЎЗА муҳбири.

Қулганга
Ҳима
Етсин!

ОДАТГА КўРА

Врач ҳамширага деди:
— Беморга қўшимча таом — кефир ёзиб беринг.
— Ҳўп бўлади, доктор. Ош қошиғида бир кунда уч маҳал ичиладими?

ДЕЙДИЛАРКИ...

Бир марта бўса олганинда, беш миллион микробни юқтирасан. Иккинчи томондан эса, айни пайтда, ўзинг шунча микробдан қутуласан...

АНТИКА ХОЛАТ

Очик денгизда кемада кетаётган офицер касал бўлиб қолди. Врач беморни текшириб кўрди-да, оғир ўйга толди.

— Доктор, айтингчи, бирор жиддийроқ ҳавф борми? — деб сўрашди ундан.

— Йўқ... Фақат бунақанги касаллик юз берганда биз, одатда, денгизда саёҳат қилишни маслаҳат берадир...

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТОШКЕНТ ШАҲАР МАМАДУЛЛОХОВ

Муассис
ТОШКЕНТ
ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин
МУҲИДДИНОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий
ишлар бўлими: 133-40-48.
Эълонлар:
133-40-48, 136-57-27.

Манзилими:
700000, Тошкент
шаҳри, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат
матбуот қўмитасида 8 рақами
билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати»
таҳририяти компьютер
марказида тарғиб ва
саҳифаланди.

• Эълон ва билдирув-
лардаги факт ҳамда да-
дилларнинг тўғрилиги учун
реклама ва эълон берув-
чилар масъулдир.